


*Дўстлик кутубхонаси*

---

*СССР халқлари шеърияти*



*Мен ҳали заминда яшаб тўймадим,  
Заминда  
мен севиб тўймадим ҳали.*



ОК ВЛАДИМИР  
ВЛАДИМИРОВИЧ  
МАЯКОВСКИЙ  
Шеърлар  
Фожи  
Достонлар  
ВА  
КОРА

**ТОШКЕНТ**  
**1982**

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти

Р  
М 35

**Редколлегия**

С. О. Азимов, Б. Бойқобилов, И. Гафуров, Ҳамид  
Ғулом, З. И. Есенбоев, В. Й. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўш-  
жонов, Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Фай-  
зий, П. Шермуҳамедов, О. Ёқубов, К. Яшин (Редколле-  
гия раҳбари).

Тузувчи  
**МИРАЗИЗ АЪЗАМ**

70402—227  
М  $\frac{70402-227}{352(04)-82}$  122—81 4702010200

## ШЕЪРИМ ЁРИБ УТАР ЙИЛЛАР ТОҒИНИ...

Маяковский жаҳон шеърятини тарихида янги саҳифа очган сиймодир. Совет адабиётини яхши биладиган француз шоири ва адиби Луи Арагон «Шекспир ва Маяковский» деб аталган мақоласида. Маяковскийнинг жаҳон поэзияси ривождаги ўрнини тўғри белгилаб, уни «жаҳон шоирларининг дўсти ва устози» деб атади. Дарҳақиқат, биз XX аср жаҳон поэзиясига назар ташласак, немис шоирлари Иоганнес Бехер, Бертольд Брехт ва Эрих Вайнерт, француз шоирлари Луи Арагон ва Поль Элюар, поляк шоирлари Владислав Броневский ва Юлиан Тувим; болгар шоирлари Никола Вапцаров ва Христо Радевский, чех шоирлари Витезслав Незвал ва Йиржи Тлуфер, венгр шоири Антал Гидаш, турк шоири Нозим Хикмат, покстон шоири Аҳмад Файз Аҳмад, чилилик Пабло Неруда ва кўп миллатли совет шоирлари эришган ижодий муваффақиятларни Маяковский тажрибасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Маълумки, Маяковский 1893 йилда Грузияда Бағдоди қишлоғида туғилган эди. 1901 йилда эса Маяковский онаси билан Кутаиси шаҳрига кўчиб ўтади ва бу ерда гимназияда 1906 йилнинг ёзгача ўқийди. Мен бу фактларни бежиз таъкидлаётганим йўқ. Кутаиси 1905 йилдаги революцион ҳаракатнинг марказларидан бири бўлган эди. Шаҳардаги ғалаёнлар, забастовкалар, ишчиларнинг революцион чиқишлари, ҳарбий қисмлар билан отишмалар гимназия талабларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмас эди. Маяковский 1905 йилнинг баҳорида Москвадан опаси қелганини ва ўзи билан революцион варақалар олиб келганини, уларни ўзига ҳам ўқишга берганини ёзади. Октябрь ойида опа-

сига ёзган мактубда эса Маяковский «бизда беш кунлик забастовка бўлди, сўнгра гимназияни тўрт кунга ёпиб қўйишди, шу туфайли биз черковда «марсельеза»ни айтдик» дейди.<sup>1</sup>

Шоирнинг яна бир мактубида эса Н. Бауманнинг ўлдирилишига қарши норозилик намойишида иштирок этгани айтилган. Кўрамизки, Маяковский 12-13 ёшидаёқ революцион воқеалар қозонида қайнай бошлайди. 1906 йилда Маяковскийнинг отаси вафот этади ва оила Москвага кўчиб ўтади. Маяковский Москвада гимназияда ўқишини давом эттириш билан бирга қўшни студентларнинг кўмаги билан революцион тўғарақларга ҳам қатнаша бошлайди ва 1908 йилнинг бошида, яъни ўн беш ёшга тўлар-тўлмас РСДРП сафига киради. Бу ҳақда ўша кезлардаги «поволжец» деган революцион лақаб остида иш кўрган Москва университетининг студенти В. И. Вегернинг жуда характерли хотираси бор. Унинг ёзишича, партияга кириш олдидан суҳбат вақтида Маяковский жамоа ва шаҳар арбоблари ҳақида нафрат билан гапирган ва гапида Лениннинг либераллар ҳақидаги мақолаларидан айрим ибораларни қўллаган, шунингдек, нима учун ишчилар синфи деҳқонлар синфини ўз орқасидан эргаштирувчи гегемон бўлиши кераклигини яхшигина далиллаб берган. Бундан кўринадик, В. Маяковский ўша кезларда революцион ҳаракатда стихияли тарзда эмас, онгли равишда иштирок этган. Орадан кўп ўтмай полиция изига тушади ва қисқа муддат ичида уни уч марта қамоққа олади. Учинчи марта қамалганида Маяковскийни машҳур Бутирки турмасидаги бир кишилик хонага жойлаштиради. Бўлажак шоир бу ерда беш ойдан кўпроқ умр кечиради. Ниҳоят, суд уни революцион фаолият билан шуғулланган деб топади ва Сибирга сургун қилиш ҳақида ҳукм чиқаради. Фақат Маяковский ёш бўлгани учунгина бу ҳукм кучга кирмай қолади. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, Маяковский болалигида ноқ қайноқ революцион курашлар тўлқинида ўсди ва бу ҳол ундаги исёнкорлик руҳига муайян мазмун ва йўналиш бахш этди.

Маяковский турмада ўтирган кезларидаёқ шеърлар ёза бошлаган эди. Бироқ улар ҳали мустақил бадиий

<sup>1</sup> Бу ердаги ва бундан кейинги Маяковский биографиясига оид айрим фактлар В. Катаяннинг «Маяковский. Литературная хроника» китобидан олинди.

қимматга эга эмас эди. Шунинг учун ёш шоир уларни эълон қилмайди. Унинг матбуотда эълон қилинган илк шеърлари «Тун» ва «Тонг» деб аталган бўлиб, булар 1912 йилда чоп этилган «Жамоат дидига тарсаки» деган альманахдан ўрин олган эди. Шундан сўнг Маяковский шеърлари журналларда ва альманахларда кўплаб эълон қилина бошланди. 1913 йилда эса шоирнинг «Ўзим» деб аталган биринчи китоби босмадан чиқади. 1917 йилга қадар ҳаммаси бўлиб унинг ўн бешта китоби босилади. Уларнинг кўпчилиги ўша йиллардаги адабий-маданий ҳаётда қайта воқеа бўлди ва Маяковскийни XX аср бошларидаги рус шоирларининг пешқадами даражасига кўтарди. Маяковский ижодининг биринчи қадамлариданоқ ўзини футурист деб атаган ва ҳатто революциядан кейин ҳам бир неча йил давомида футуристлигидан воз кечмаган эди. Бу ўринда икки оғиз бўлса-да, Маяковский ва футуризм масаласига тўхтаб ўтиш жоиз кўринади. Маълумки, 1905 йил революцияси мағлубиятга учрагандан кейин Россиянинг ғоявий-маданий ҳаётида парокандалик даври бошланди. Айниқса, бу йилларда буржуа санъатининг инқирозга учрагани, буржуа маданияти боши берк кўчага кириб қолгани аён бўлиб қолди. Санъат ва адабиётда турли-туман оқимлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг кўпчилиги модернистик оқимлар бўлиб, тушкунлик руҳидаги асарлар яратишар, санъатнинг ижтимоий ролини инкор қилишарди. Шундай шароитда рус санъатида футуризм оқими майдонга келди. Футуризм futurum деган латинча сўздан олинган бўлиб, «келажак» деган маънони билдиради. Бу оқимнинг етакчи принциплари, программаси Давид Бирлюк, Вольдемар Хлебников, А. Кручених ва Маяковский биргаликда ёзган ҳамда «Жамоат дидига тарсаки» альманахида эълон қилинган манифестда ифодаланган. Рус футуризми ўша пайтдаги ҳукмрон адабий оқимларга, санъатдаги декадентликка, мистикага қарши норозиликнинг ифодаси тарзида туғилган эди. У санъат ва адабиётни «кўча аҳли»га, оддий одамлар ҳаётига яқинлаштиришни истаган, унда мешчанлик психологиясига, капитал дунёсининг ахлоқий принципларига қарши исён руҳини ифодалашга интилган оқим эди. Бироқ бу оқимнинг норозилиги ҳам, исёнкорлиги ҳам изчил характерга эга эмас эди. У моҳият эътибори билан санъатдаги майда буржуа оқими бўлиб, бора-бора формализм ботқоғига ботиб қолди. Маяковскийнинг илк ижоди футуризмга мансуб бўлса-

да, футуризм Маяковскийга эмас, аксинча, Маяковский футуризмга ҳусн бўлиб тушган эди. Маяковскийнинг жўшқин шоирона темпераменти, тўлқинли эҳтирослари, теран исёнкорлик руҳи футуризм рамкаларига сиғмайди. Шунинг учун ҳам унинг революциядан аввалги ижодини футуризмдан иборат деб қараш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Албатта, Маяковский поэзиясининг жозибаси фақат унинг шаклида, образлар системасининг янгилигидагина эмас, биринчи навбатда, ғоявий йўналишида, мазмунида, фикрий теранлигида эди. Бу жиҳатдан Маяковский ижоди гуманистик йўналиши билан, айниқса, буюк пролетар ёзувчиси. М. Горький ижодига ҳамоҳанг эди.

1914 йилда шоирнинг «Владимир Маяковский» деган пролог ва эпилогдан ташқари икки кўринишли фожеаси босилиб чиқади. Бу йирик асар бошдан-оёқ жуда зўр эҳтирос билан капиталистик тузумни фош қилади ва инсон эркини улуғлайди. Бу мотив шоирнинг кейинги поэмаларида янада кучаяди. Масалан, 1916 йилда эълон қилинган «Иштон кийган булут» поэмасини олайлик. У биринчи жаҳон урушидан кейин яратилган ва табиийки, уруш туфайли туғилган ижтимоий кайфиятни ифодалаган асар эди. Маяковский ҳам бошқа кўпгина прогрессив рус ёзувчилари каби империалистик урушни совуқ кутиб олди, уни қоралади ва асарларида урушнинг антигуманистик моҳиятини фош қилди. «Иштон кийган булут» тўрт қисмдан иборат бўлгани учун шоир унинг жанрини тетраптих деб белгиланган ва поэманинг ғоявий мазмуни ҳақида шундай ёзган: «Битсин севгингиз!», «Битсин санъатингиз», «Битсин тузумингиз!», «Битсин динингиз!»— тўрт қисмнинг тўрт ҳайқириғи бу!»

Маяковскийнинг ҳаёт йўли ҳам, ижодий йўли ҳам табиий равишда шоирни революцияга олиб келди. Шунинг учун ҳам Октябрь революцияси галаба қозонганда шоир олдида уни қабул қилиш керакми, йўқми!» деган масала кўндаланг бўлгани йўқ.

«Менинг революциям. Смольнийга бордим. Ишладим. Нима тўғри келса, шуни қилдим», деб ёзади кейинчалик Маяковский «Ўзим» деб номланган автобиографик қайдларида. Революцияни қабул қилиш — ўз истеъдодини унинг манфаатларига бўйсундириш, революция ғояларини тарғиб қилиш, ҳар бир қалбда революцион эҳтиросни алангалатиш мақсадига хизмат қилиш эди. Маяковский революция билан шеърятини бир-



бирига чамбарчас қўшиб юборди, янги социалистик поэзиянинг биринчи намуналарини яратди.

Маяковский поэзияси 20-йилларда янги жамият қуриш учун курашда байроқ бўлди. Лекин бу шоир фақат янгилик куртакларини улуглаш, революцион фактларни мадҳ этиш билан чекланди деган маънони билдирмайди. Маяковский янги жамият қуриш ғоят машаққатли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён эканини, бунинг учун ҳаётдаги турли-туман иллатларга, эски дунёдан мерос қолган қусурларга, янги пайдо бўлаётган нуқсонларга қарши актив кураш олиб бориш кераклигини яхши билади. Унинг назарида ҳақиқий совет шоири жамият ривожига халақит берувчи ҳар қандай иллатга қарши мурасасизлик билан курашувчи жангчидир. Шунинг учун ҳам Маяковский сиёсий публицистик лирикага мурожаат қилиш билан бирга сатирик лирикадан ҳам кенг фойдаланади ва бу жанрда юзлаб ажойиб асарлар яратади. Уларда шоир бюрократизм, формализм, порахўрлик, лаганбардорлик, худбинлик, мешчанлик каби иллатларни кескин фош қилади. Маяковский сатирасининг кучи нечоғлик ўткир бўлганини тасаввур қилиш учун унинг биргина «Мажлисбозлар» шеърини эслаш kifоя. Маълумки, 1922 йилда ёзилган бу шеърни доҳиймиз В. И. Ленин жуда юксак баҳолаган ва унда ўша йилларда кенг тарқалган иижтимоий иллат ҳаққоний ва сиёсий жиҳатдан тўғри очиб берилганини таъкидлаган эди. Маяковскийнинг «Мажлисбозлар»и билан бир қаторда «Лаганбардор», «Арбоб» каби шеърлари ҳам поэзия воситасида коммунистик идеалларга хизмат қилишининг яхши намуналари бўлди. Улар ҳозирги ёш шоирлар учун ҳам шеърятдаги гражданликнинг, партиявий принципалликнинг ажойиб ибрати бўлиб хизмат қилмоғи керак.

Маяковский фақат шеърят соҳасидагина эмас, драматургия ва проза соҳасида ҳам баркамол асарлар яратган эди. У ўзининг биринчи драмасини 1918 йилдаёқ яратган эди. Октябрь революциясининг бир йиллиги муносабати билан ёзилган ва 1918 йилнинг 7 ноябрь куни Петроградда саҳнага қўйилган бу асар «Мистерия-буфф» деб аталарди. Унда бизнинг давримизнинг қаҳрамони, эшик ва сатирик тасвири» берилганди.

Бу пьеса ҳақида А. В. Луначарский «Ҳозирги замоннинг жамики улкан кечинмалари бу асарга мазмун берган» деб ёзган эди. Асарда Маяковский революция-

ни жаҳон халқлари ҳаётини янгиловчи тўфон сифатида тасвирлаган.

Унинг драма соҳасида яратган кейинги асарлари— «Қандала» ва «Ҳаммом» шоир истеъдодининг янги қирра-ларини намоён этади — бу асарлар сатирик йўналишга эга бўлиб, уларга мешчанлик психологияси ва бюрократизм бениҳоя зўр куч билан фош қилинган.

Маяковский асарлари ўзбек тилига 30-йилларнинг бошидаёқ таржима қилина бошлаган эди. Шоирнинг ўзбек тилида босилиб чиққан биринчи асари «Ҳайқириқ» поэмаси бўлиб, уни Ғафур Ғулом таржима қилган. Шундан сўнг Маяковскийнинг «Шеърлар» (1932), «Комсомол марши» (1932), «Зарбдор бригадалар марши» (1932) каби китоблари босилади. Уларни тўшламда ва таржима қилишда шоир Шукур Саъдулла катта жонбозлик кўрсатган. 30-йилларнинг ўрталарига келиб, Маяковский асарлари тажримасига Шайхзода ҳам ҳисса қўша бошлайди. Унинг таржимасида «Владимир Ильич Ленин» достони 1939 йилда китоб ҳолида нашр этилади. Бу дoston 1947 йилда иккинчи марта нашр этилди.

Маяковский шеърларини таржима қилиш ишларини давом эттирган Шайхзода 1942 йилда «Маяковский ҳайқиради. Маяковский чақиради» деган тўпламни, 1948 йилда эса «Икки дoston» китобини эълон қилади. Бу китобга «Владимир Ильич Ленин» дostonидан ташқари «Жуда соз» поэмаси ҳам киритилган. Булардан ташқари Маяковскийнинг болалар учун ёзган шеърлари ҳам ўзбек тилида уч марта нашр этилган. 1954 йилда Асқад Мухтор «Владимир Ильич Ленин», поэмасини янгидан таржима қилиб, эълон қилди. Ниҳоят, 1956 йилда Маяковскийнинг шеърларидан ташқари, «Владимир Ильич Ленин», «Жуда соз», «Ҳайқириқ» каби дostonларини ва «Мен кашф этган Америка» очерklarини ўз ичига олган «Танланган асарлар»ни босилди.

Мазкур китоб Маяковскийнинг ўзбек тилидаги ўн тўртинчи китобидир. У маълум даражада ўзига хос хусусиятга эга. Китобни тартиблаган шоир Миразиз Аъзам бу гал Маяковский ижодининг ўзбек китобхоналарига камроқ таниш бўлган жиҳатларини ёритмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам китобга шоирнинг бир нечта машҳур шеъри билан бирга, асосан, илгари таржима бўлмаган асарларини киритган ва уларни ўзи таржима қилган. Булар «Владимир Маяковский» фожиаси, «Иш-

тон кийган булут», «Умуртқамнинг сивизгаси», «Севаман» достони ва «Бу ҳақда» достонидан парчадир. Айтиш керакки, Маяковский шеърларини бошқа тилларга таржима қилиш ҳамма вақт ҳам жуда мураккаб иш бўлиб, таржимондан иқтидордан ташқари жуда катта меҳнатни ҳам талаб қилган. Негаки, Маяковский поэзияси шеърӣ техника жиҳатидан, вазни, оҳанглари, қофиялари, поэтик образлари нуқтаи назаридан ҳам гоаят ўзига хос ва анча мураккабдир. Шеъриятда фақат мазмунни эмас, шеърнинг жамики унсурларини ҳам оригиналдагидек сақлаб, китобхонга етказиш керак. Бу эса анча мушкул иш. Назаримда, ўзбек шоирлари шу ишнинг уддасидан чиқа олганлар — улар таржимасида Маяковскийга хос услуб, маяковскийена эҳтирос ва жўшқинлик сақланиб қолган. Шундай бўлса ҳам, узил-кесил баҳони китобхоннинг ўзи беради. Лекин ўйлайманки, давримизнинг буюк шоири билан янги учрашув ўзбек китобхонини хушнуд этади.

*Озод Шарафиддинов,  
Беруний мукофоти лауреати.*

# ШЕЪР-

# ЛАР

1915  
1929

*Ғижжак ва сал-пал асабийлик*  
*Мана шундай қилиб итга*  
*айландим*  
*Лиляжон*  
*Муаллиф бу сатрларни суў-*  
*ган одамига, яъни ўз-ўзига*  
*бағишлайди*  
*Жавобгарликка*  
*Отларга яхши жуомала*  
*Ишчи шоир*  
*Мажлисбозлар*  
*Уртоқлар, йўл қўймаймиз!*  
*Блэк энд уайт*  
*Пролетар шоирларига мактуб*  
*Лаганбардор*  
*Татъяна Яковлевага хат*  
*Арбоб*  
*Ғийбатчи*  
*Уртоқ Ленин билан суҳбат*

## ҒИЖЖАҚ ВА САЛ-ПАЛ АСАБИЙЛИК

Ғижжак хуноб бўлди ялина-ялина,  
сўнг бирдан  
боладай йиғлаб юборди,  
«хўп, хўп, хўп» дедию даф заифгина,  
ғижжак ноласидан  
ўзи ҳам ҳорди,  
шўнғиб ланғиллаган Кузнецкга  
жўнаб қолди.  
Ғижжак овунгунча  
бесўз,  
беодоб,  
ётсираб қарашди унга касбдошлар,  
фақат қаердадир  
бир телба ликоб:  
«Не бўпти?»  
«Қандай?» деб  
жаранглай бошлар.  
Терли мис барқаш ҳам:  
«Гентак,  
йиғлоқ,  
арт!»  
деб шовқин солганда  
ўрнимдан турдим,  
нотаси қийшайган  
тагкурсидан шарт  
сакраб ўтиб:  
«Худо!» дея ўқирдим.  
Узимни ташладим ёғоч бўйнига:  
«Биласизми, ғижжак,  
бир хилмиз айнан:  
мен ҳам додлайману,

билмайман, нега —  
ҳеч нимани исбот қила олмайман!»  
Машшоқлар кулишар:  
«Ёпиш канадак!  
Ёгоч қаллиғинга келдингми?!  
Қалла!»  
Тупурдим!  
Яхшиман.  
«Биласизми, ғижжак?  
Келинг —  
биргаликда яшаймизми?  
А?»

1914

## МАНА ШУНДАЙ ҚИЛИБ ИТГА АЙЛАНДИМ

Энди бунга чидаб бўлмас мутлақо!  
Ғажилаб ташлади борлиғимни кек.  
Жаҳлим сизникига ўхшамас асло:  
қоқманглай тўлиной бетига итдек  
увлагим келади,  
увлаб йиғлагим.

Асаблардир, балким...  
Чиқай,  
айланай.  
Кўчада ҳам ҳеч кимдан топмадим ором.  
Аллаким  
қичқирди: «Хайрли оқшом!»  
Жавоб бериш керак:  
у қиз — танишим.  
Жавоб бергим келар.  
Сезяпман аммо —  
жавоб беролмайман мен инсоннамо.

Бу қандоқ бемазагарчилик ўзи!  
Ухлоқманми?  
Ушлаб кўраман ўзни:  
олдин қандоқ бўлсам турибман шундоқ,  
юзим —  
ўша, кўриб юргандек ўзим.  
Лабимга оҳиста текизсам бармоқ,  
лабларим остида тишларим —  
сўйлоқ.

Аксиргандек тезроқ юзни беркитдим.  
Уйга чопдим, оёқни олганча қўлга.

**Миршаблар жойидан беркиниб ўтдим,  
шу пайт қулоқларни бирдан гаранглаб:  
«Миршаб! Дум!» деган сас  
таралди янграб.**

**Қўлимни текизиб — донг қотиб қолдим!  
Ҳар қанақа сўйлоқ  
тишлардан софроқ  
бир нарсани сезмабман ўлгудай елиб:  
пиджагим тагидан бир думки бароқ,  
бир думки — ит думи, елпиғичланиб  
кетимда келарди ҳилпираб-елпиб.**

**Сўнг?**

**Бири ўшқириб, одам чақирди.  
Иккинчига қўшилди учинчи, тўртинчи.  
Эзиб юборишди қари кампирни,  
жин дебми, недир деб шўрлик бақирди.  
Юзга ҳурпайтириб супурги-мўйлов,  
катта,  
ёвуз  
тўда ёприлди дарров,  
мен эса эмаклаб  
акиллаб қўйдим:  
Вов! Вов! Вов!**

*1915*



## ЛИЛЯЖОН!

(Мактуб ўрнида)

Ҳавони ачитди тамаки дуди.  
Кручених<sup>1</sup> дўзахин бир боби —  
Хона.  
Эсла —  
шу дераза ортида худди  
илк бор  
қўлларингни силовдим ёна.  
Бу кун ўлтирибсан,  
юрагинг қулфлоқ.  
Ҳайдаб ҳам соларсан  
бир кундан кейин.  
Гира-шира қоронғи даҳлизда узоқ  
титроқдан синган қўл  
тополмас енгин.  
Югуриб,  
кўчага отгум ўзни тик.  
Танглик  
мени йўнар,  
йўқолар ҳушим.  
Кел, шундай бўлмасин,  
видолашайлик  
ҳозирнинг ўзида,  
азизим,  
яхшим.  
Оғир тош-ку ахир  
бари бир  
севгим,  
сенга осиқ турар  
қочсанг ҳам қаён.  
Маъюс арзларимнинг аччиғин —  
сўнгни

фарёд-ла ўкириб қилайин баён.  
Буқани ишлатиб қилсалар ҳалак,  
у совуқ сувларга ётиб,  
олар дам.  
Менинг денгизим йўқ,  
севгингдан бўлак,  
севгинг ором бермас  
фарёд чексам ҳам.  
Ҳорган фил оромни қилганда тилак —  
шоҳона ёнбошлар чўғ қумлар аро.  
Менинг қуёшим йўқ.  
севгингдан бўлак.  
Қим билан қайдасан,— билмайман аммо.  
Шоирга шунчалик кўрсатсанг жафо,  
у  
ёрни шон, пулга алмашар бешак,  
менга-чи,  
завқ бермас бирон куй, садо,  
севимли номингнинг куйидан бўлак.  
Жарга отилмайман,  
ичмайман оғу,  
тепкини чаккамга қилмайман тиргак.  
Менга ҳукмронмас бирон пичоғу  
ё ханжарнинг тиғи,  
кўзингдан бўлак.  
Тонг-ла унутарсан  
сени тождор қилиб,  
ишқ-ла куйдирганим қалбинг қатларин,  
сўнгра пуч кунларнинг суронли сайли  
китобчаларимнинг йиртар бетларин...  
Менинг қуриб битган бу ҳазон сўзим  
ҳарсиллаб  
тўхтата оларми сени?  
Лоақал пойандоз қилай, бер изн,  
кетётган йўлингга сўнги севгимни.

**МУАЛЛИФ БУ САТРАЛАРНИ  
СУЙГАН ОДАМИГА,  
ЯЪНИ ЎЗ-ЎЗИГА БАҒИШЛАЙДИ**

Тўрт муча.  
Оғирдир зарба сингари.  
«Ҳар кимнинг тегиши ўзига тегсин».  
Қаерга бош суқсин  
мендай бир ҳариф?  
Қаерда мен учун ҳозирланган ин?

Мен кичик бўлсайдим  
Буюк уммондай,—  
қайтмас тўлқинларнинг оёқ учида  
эркаланар эдим юксалиб ойга.  
Қайдан топай  
мендай  
суюк инсонни?  
Бундайи сиғмайди  
увоқ самога!

О, гадо бўлсайдим!  
Миллиардерсимон!  
Пул чўтми?  
Қалб ичра тўймас ўғри бор.  
Менинг орзуларим бевош оломон,  
олтин етказолмас юз минглаб дидёр.

Чучуктил бўлсам гар  
Дант,  
Петраркадай!

Бир жувон кўйида қалбимни ёқсам!  
Шеър билан кул қилсам уни беомон!  
Сўзлар ҳам,  
севгим ҳам —  
зафар аркидай:  
ҳамма асрларнинг маъшуқалари  
ундан ўтар  
башанг,  
беному нишон.

Момоқалди роқдай  
сокин бўлсайдим,—  
овлоқ ернинг кўҳна бутхонасини  
титроқ-ла қучардим, ингрардим аста.  
Чунки мен  
унинг бор қудрати билан  
улкан овозимни ўкраб чиқарсам,—  
кометалар ёнган қўлларин баланд  
кўтариб,  
ҳасрат-ла отилар пастга.

Мен агар  
қуёшдай сўниқ бўлсам, оҳ,  
тунни ражир эдим,  
кўздан тараб нур!  
Шуълам билан  
ернинг ориқлаб кетган  
бағрини суғормоқ  
мен учун зарур!

Утарман,  
баҳайбат севгимни судраб.  
Қайси алаҳлаган,

носоғ тун аро.  
қанақа Алллардан  
яралганман  
мен —  
мунчалар каттакон,  
кераксиз бало?

*1916*

## ЖАВОБГАРЛИККА!

Тирикларга темир тиқишга чорлаб,  
уруш ноғораси янграб беомон.  
Нечун ирғитилар: «Қани бор, бор!» лаб,  
тигга не-не қуллар  
ҳар элдан ҳамон?

Аллақаерларда  
аллаким  
фақат  
Албан юртин талаб  
бойсин учун  
буғланар қон ҳаммом ичра башарият.  
Замин қалтирайди  
оч ҳамда юпун.

Қимнингдир кемаси  
Босфордан сузиб  
ўтсин учун фақат  
текин, беозор  
уришар, савашар, дунёни эзиб,  
инсонлар галаси бўғишар қаҳқор.

Шом ила Ироқни измига солиб  
яйрасин деб фақат  
кимнингдир юраги,  
топтарлар,  
жонингни суғуриб олиб.  
Тезда  
қолмас  
дунёнинг бутун суяги.

Кимнинг шарафига  
бундай атайин  
ғарч-ғарч босадилар тупроқни,  
гулни?  
Жанглар осмонида кимдир хўжайин —  
озодликми?  
Худоми?  
Пулми?

Эй сен,  
улар учун топгувчи завол,  
қаддингни расолаб тутасан қачон?  
Нега урушяпмиз, деган саволни  
уларнинг бетига отасан қачон?

1917

## ОТЛАРГА ЯХШИ МУОМАЛА

Туёқлар жаранглар.

Қулоқда оҳанглар:

— Тиқ.

Тақ.

Тоқ.

Туқ —

Шамол ялаб кетиб,

яхни шиппак этиб

Кўча сирғалади.

Бир от

сағриси-ла гурсса думалади.

Шундан кейин дарров

меровдан сўнг меров

Кузнецкга шимин

клёш қилдиргани

келганлар тўпланди,

янгроқ кулгиларга қаҳ-қаҳлар уланди:

— От йиқилиб тушди!—

— Бир от қулади!—

Кузнецк тинмай кулади.

Фақат мен ғавғою

бу гап-сўзларга

қўшилмасдан турар эдим жим.

Борсам,

кўзим тушди

отнинг кўзларига.

Кўча сесканарди,

борарди оқим...



Бордим, боқдим унга —  
йирик-йирик кўзёш  
тумшуғидан сизиб  
беркинарди жунга.

Қандайдир умумий  
ҳайвоний ғам эзиб  
ичимдан тўкилди  
шалоплаб шунда:  
«Қулоқ солинг, э от.  
Қўйсангиз-чи, э...  
Фикрингизча, улардан ёмонроқмисиз?  
Вой тойчам-ей!  
Ҳаммамиз сал-пал отмиз, от.  
бизнинг ҳар биримиз бир қадар отмиз».

Қари от  
энагага  
зор эмасдир ҳам,  
қабих кўрингандир фикрим ҳам балки,  
фақат  
от  
силкиниб турди-да шахдам  
кишнади,  
йўл босди оёғу илки.  
Думин силкиб қўйди,  
Саман тойдай шўх.  
Гижинглаб келдию  
отхонага кирди.  
Энди у ўзига ўзи кўнгил тўқ  
яшарган қулундай кўринар эди,  
арзирди яшаса,  
ишласа арзирди.  
1918

## ИШЧИ ШОИР

Шоирга бақиршар:  
«Сени кўрсайдик  
Токаръ станогн ёнида — ишда.  
Шеър ёзиш нимадир?  
Бир бекорчилик,  
«Иш деса қўлгинанг қовушмас ҳеч-да».  
Эҳтимолдирки,  
биз учун меҳнат  
ҳар қандай юмушдан  
энг яқинроқдир.  
Мен ҳам фабрикаман.  
Трубам йўқ фақат,  
демак, трубасиз —  
иш қийинроқдир.  
Биламан,  
Севмайсиз қуруқ гапни сиз.  
Ёғоч қиймалайсиз — бу ҳам, ахир, иш.  
Нима,  
сиздай харрот эмасмизми биз?  
Осонми — одамлар бошин нақш этиш.  
Албатта,  
шарафли — балиқ овламоқ,  
агар осетралар  
илинса тўрга.  
Лекин шоир иши  
кўп шарафлироқ,  
у тирик одамни туширар қўлга.  
Улкан иш — қўрада қиздириб ўзни,  
темирни тобламоқ ўт қаловида.  
Лекин  
бекорликда ким айблар бизни?

Мия пардозлаймиз тил эговида.  
Қай бири баландроқ —  
шоирми, техник,  
қай бири инсонга берар наф, унум?  
Иккиси ҳам.  
Қалб ҳам худди мотордек,  
мураккаб парракдай жон ҳам бетиним.  
биз тенгмиз.  
Ўртоқмиз ишчилараро,  
биз пролетарнинг руҳи ва тани.  
Бирлашиб  
оламга берамиз оро,  
Маршларни янада жаранглатгани.  
Сўзлар бўронидан сақланиб омон,  
янги, жонли ишга  
тез қўшайлик бош!  
Пўкак нотиқларни кутар тегирмон!  
Нутқ суви билан  
юритсинлар тош.

1918

## МАЖЛИСБОЗЛАР

Тун ўтиб, кетидан тонг отар-отмас,  
ҳар кун кўраманки:  
одамлар қатор —  
бирова комитетга,  
ё маҳкамага,  
бировлари — «бошқар»,—  
бировлари «ма»га —  
хуллас, кўчаларга тўлиб югуришар,  
ҳар хил идорага оқар кишилар.  
Кириб кетилдими идорага, боқ:  
қоғозлар ёмғири ёғар беомон,  
қирқ-эллик қоғозни ғоят муҳимроқ —  
дея хизматчилар кўтариб шу он  
тарқалишар тездан мажлислар томон.

Арз этсанг:  
«Қаттакон қилурми қабул?  
Кўндан овораман, солинг эсига». —  
«Уртоқ Иван Ванич мажлисга кетди —  
Тео<sup>2</sup> ва Гукон<sup>3</sup>нинг уюшмасига».  
Юз нарвон юрасан, сени босар тер,  
Тагин:

«Бир соатдан кейин келинг!»

дер.

«Бошлиқнинг мажлисда бор муҳим иши:  
кооперативга бир шиша сийёҳ  
сотиб олишликни кўришар!»

Воҳ-воҳ!!

Аммо бир соатдан

сўнгра на котиб

ва на котиба бор,

Ҳамма ёқ холи!  
Чунки то 22 ёшгача  
ҳамма хизматчилар бўлар экан банд  
комсомол чақирган мажлисида ҳали.

Кеч ҳам бўлиб қолди, тун келар ана,  
чиқаман еттинчи қаватга яна.  
«Уртоқ Иван Ванич келдиларми-а?»  
«Йўқ, а-бе-ве-ге-де-е-же-зе-комнинг  
мажлисида улар бандлар ҳамона».

Дарғазаб кираман  
мажлисга бирдан,  
бир вулқон сингари босиб кираман.  
Ҳайқириб сўкаман йўл-йўлакай ман,  
аммо одамларни,  
одамларни-чи:  
нимта-нимта бўлиб қолган кўраман.

Ажабо, ё тавба,  
Бу қанақа сир!  
Бу бечораларнинг ёртиси қани?  
«Буларни сўйишган!  
Ўлдиришгандир!»  
Ақлим айниб кетиб бўлурман жинни.  
Довдираб юраман наъралар тортиб.  
Бирдан эшитаман гапирар котиб  
Ғоятда хотиржам бир овоз билан:  
«Улар иккитадан мажлисида бирдан  
ўтирибдилар айни замонда.

Кунига йигирма мажлис ўтказмоқ,  
буларга улгурмоқ лозим экан-да!  
Шу учун ноилож бўлинмоқ керак!  
Белгача бунда-ю,

қолгани —  
унда».

Ташвишдан мен бедор, ўтади кеча,  
мен хаёл сураман то саҳаргача;  
мунтазир кутаман мен тонгни олис:  
«оҳ, кошки  
тағин бир қилиб ҳафсала  
бир кун чақирилса сўнгги бир мажлис  
ва унда кўрилса астойдил, холис,  
«ҳар хил мажлисларни шунда бутунлай  
йўқ қилиш ҳақида яхши масала!»

1922

## ЎРТОҚЛАР, ЙУЛ ҚУЙМАЙМИЗИ!<sup>4</sup>

Мана  
зўр урушга ясалди якун,  
Тарих котиблари ёзар  
йилнома.  
Аммо ака-ука,  
қадрдонлар учун  
ҳамон  
рақамларда  
фарёду нола.  
Уттиз  
миллион жонни  
нишонга олдилар,  
юз  
миллион дилларда  
аза, дод, алам.  
Аммо тайёрланаётган  
уруш олдида  
бир шақилдоқ холос  
бундай жаҳаннам.  
Асирликда яғир бўлган  
елка,  
хирург столида  
қолган  
қўллар, оёқлар,  
куз кунлари яллиғланган  
яра,  
шақир-шуқур этган  
қўлтиқтаёқлар,  
илма-тешик лунжлар...  
Бари, баридан,

барининг номидан  
қичқир,  
бас,  
аччиқ товуш билан  
қичқир,  
эй жаҳон:  
— Долой!  
Йўл қўймаймиз!  
Йўқ!  
Керак эмас!  
Душман бўлмас  
миллатга  
миллат.  
Ирқни тинчлик ёви  
чиқарган ўйлаб.  
Жаҳон ишчилари,  
батрагу қарол,  
адоватга эмас,  
курашга қўзғол!  
Олға бос  
пролетар қўшини бўлиб,  
сўнгги штикларни  
атакага сол!  
«Капиталист синфи  
жиловланмай туриб  
тинчлик  
ҳақидаги гап  
қуруқ хаёл».  
Бузингиз  
таланчи буржуйнинг  
тушин,  
дор тагига  
судранг  
шоҳ-королларни,





## БЛЕК ЭНД УАЙТ<sup>5</sup>

Гаванага

разм солсанг мундоқ —  
ўлкамисан ўлка,  
жаннынинг ўзи  
хурмо соясида  
товус —  
ёлғизоёқ,  
кета-кетгунча гул  
Ведадо<sup>6</sup> юзи.

Бунда

ҳамма нарса аниқ белгили:  
оқларда доллар бор,  
қораларда — йўқ.

Интизор

супурги ушлаган  
Вилли  
иш бермасмикин деб  
«Эри Клей энд Бок».

Кўп ахлат супурган

умрида Вилли,  
бир ўрмонча келар  
супурган чанги.

Бу ишда

Виллининг  
сочи тўкилди,  
ичига ёпишиб кетган ичаги;  
кўнгилсиз, қувончсиз ўтади умри,  
олти соат чала уйқу, оч.

Қочаётиб

портдан  
инспектор — ўғри

бир цент ташлаб ўтса, негрга — қувонч.  
Лой-чангдан қутилиб бўларми ҳеч вақт?  
Одамлар бош билан юрса —

бўлак гап.

Ушанда ҳам

кўпроқ тўпланар ахлат:

оёқ икки бўлса,

соч туки —

минглаб.

Енма-ён —

Прадо<sup>7</sup>—

серҳашам кўча,

жаз куйлар

дам бўғиқ,

дам янгроқ.

Жаннат худди мана шу ерда деса,

чиндан

ишониши мумкин

ҳар аҳмоқ.

Виллининг мияси унча пишмаган,

экин-тикин камки

ҳосили ҳам кам.

Фақат бир фикрни

Вилли

ушлаган

Масео ҳайкалининг

тошидай маҳкам:

«Пишган ананасни ейди оқ киши.

Қораларга

қолар фақат чириги,

оқ иш —

фақат оқларнинг иши.

Қора иш —

қоранинг тирикчилиги»,

Виллини гангитган савол кўп эмас,

лекин бир савол бор,  
роса илмоқдор.

Шу савол  
кўнгилга суқилдими, бас —  
қўлидан  
супурги

тушади ночор.

Худди ўша савол ёдга тушган чоғ  
сигар қиролининг олдига  
гўё оқ булутдай кўпириб, оппоқ,  
улуғ қанд қироли келиб қолди-да!  
Негр

яқинлашди бесўнақай гўштга:  
«Ай бэг ёр пардон», мистер Брегг!  
Қанд-ку, оплоқ нарса,  
уни чиқаришда

нега қора негр  
ишлаши керак?

Сизга ярашмайди  
бу қора сигар.

У қора мўйлабли  
негр учун боп.

Қандли чойни  
хуш кўрсангиз агар

ўзингиз қанд ясанг,  
марҳамат, жаноб!»

Бундай гапнинг  
оқибати ёмон.

Қиролнинг оқ юзи  
сариқ тус олди,

астари чиққандай;  
ургани замон

қўлқопини ташлаб,  
жўнади-қолди.

Атрофда

ажойиб  
боғ чечак отар,  
бананлар чирмашган — яхлит соявои,  
негр пойчасига қонли қўлин артар,  
негрнинг  
бурнидан тинмай оқар қон.  
Негр  
қия боқди  
пачоқ бурнига,  
супургисин олди, ушлади белин.  
Бу масала билан  
Москвага,  
Коминтернга  
мурожаат қилишликни  
қаёқдан билсин?

1925

# ПРОЛЕТАР ШОИРЛАРИГА МАҚТУБ

(Парча)

Поэзияда

бўлмас ошна, қариндош ҳеч вақт  
келмас қофияда

ошначилик қўл,

йўқолсин

улашмоқ

орден, мукофот,

тамға елимлашни

ташлайлик буткул.

Янги фикр билан

мақтаниш эмас,

лекин шуни такрор

қиламан жўшиб.

Коммуна шундай жой —

мансабдор бўлмас,

аксинча, кўпаяр шеър билан қўшиқ.

Баъзан

қофияга

қоламиз ҳайрон,

шоирчасин атаймиз,

бирдан гений деб,

бирини атаймиз —

бу қизил Байрон,

бирини атаймиз —

қизил Гейне деб.

Сизга ҳам,

менга ҳам

хавфли бир нарса —

майдалашиб қолмаса

дейман қалбимиз

коммунистик қасрга

олиб кирмасак  
бемаъни лапару,  
алёрларни биз.  
Биз руҳан бир киши,  
яхши биласиз.  
Фарқу тафовутдан  
холидир юрак.  
Агар,  
сиз биз билан  
ва сиз билан биз —  
бўлмасак,  
ишламак ўзи не керак?  
Вақт келиб; сизлардан  
ўтиб кетсам гар,  
сизларга ўқталса  
қаламим-қўлим.  
демак,  
заҳмат-ла келди менга бу зафар,  
сиздан кўра кўпроқ қофия йўндим.  
Уртоқлар,  
ташлайлик савдо гапларни,  
—менинг поэзиям —  
менинг каппоним!  
Нимаики қилибман,  
сизники бари —  
тема-ю, қофиям,  
янгроқ достоним!  
Шухратдан инжиқроқ,  
мўртроқ, нима бор?  
Гўрга элтаманми шуҳратни ўлгач?  
Уртоқлар,  
туфлайман такрор ва такрор  
Ҳар хил майда-чуйда  
шуҳратга, пулга!





## ЛАГАНБАРДОР

Бу тоифа  
елим сингари  
шакли нотайиндир,  
мулойим:  
бизнинг  
давримизда  
кўплари  
орамиздан топади жойин.  
Петр Иванович Болдашкин —  
ақли саёз,  
пачоқ гавдаси.  
Бужирлари юзига урган,  
бекорга қўққайиб  
қизариб турган  
калла эмас —  
таёқ қуббаси.  
Бу нусхани,  
бир мева каби,  
иситар  
бошлиқнинг  
шафқат қуёши.  
Сир нимада?  
Қани сабаби?  
Ҳар вақт ўйлаб  
қотади бошим.  
Унгланиб боради  
ҳаёти;  
мен қоралаб ёзмайман  
уни.  
Унинг хазинаси —  
таланти —

майин мулозимат  
усули.  
Қўлни ялар,  
ялар оёқни,  
белни ялар,  
ялар пастроқни,  
гўё мушук бола  
онасин ялар,  
гўё итни  
ялар  
кучук болалар.

Тил  
қирқ метр  
чиққан чўзилиб  
бошлиқни  
қувгали изма-из,  
кўпикланиб кетган  
оппоқ бўлиб,  
соқол олса бўлар  
совунсиз.  
Жазаваси тутиб, ҳарсиллаб,  
ақл етганча  
мақтайди сизни —  
юрак оғриғингиз,  
стажу  
мансаб,  
мардлигингиз,  
сўғалингизни.  
У амал орттирар  
тобора,  
унга қараб  
тутишади иш.  
Қайдадир  
бир катта идора  
шу одамга  
топширилганмиш.

Энди  
жилов қўлга тушдим —  
хушомадга  
    ҳаммани  
    ўргат;  
тупук сочиб сўзлар:  
    — бошлиқни  
ҳурмат қилиш  
    керак,  
    ҳа, ҳурмат!—  
Томоша қиламиз  
    оҳ-воҳ дея:  
авж олади  
    шулар дастидан  
ашаддий бир иерархия  
кулиб  
    демократия устидан.  
Супургидай кезиб  
    паст-юқорини,  
тўзғитиб  
    супурсанг  
    барини —  
ҳам ҳомийлик топган  
    лаганбардору  
ҳам уларнинг  
    ҳомийларини.

1928

## ТАТЬЯНА ЯКОВЛЕВАГА ХАТ

Қўлингданми  
ёки лабингдан ўпсам,  
танинг титроғида  
жонимдай азиз  
жумҳуриятларимнинг  
қизил  
ранги ҳам  
алангаланиши  
лозим  
шубҳасиз.  
Париж севгисига  
менинг ҳушим йўқ.  
модача келтиринг  
ипакка ўраб,  
у баднафс итларга —  
тек тур! — дея  
дўқ  
ураман,  
чўзилиб ётаман мудраб.  
Ёлғиз сенинг бўйинг  
бўйим билан тенг,  
қошингни  
қошимга  
қани тенглаб тур,  
ушбу муҳим оқшом  
тўғрисида мен  
кел, ҳикоя қилай  
одамдай  
бир қур.  
Соат беш,  
шу пайтдан



кўзёшлар...  
э қуриб кетсин!..  
Вийқовоқ<sup>9</sup> қиладир  
қовоқларни ашк.  
Мен ҳам рашк қиламан,  
ўзиммас лекин,  
Совет Россияси учундир  
бу рашк.  
Кўрдим  
елкаларда беҳисоб ямоқ,  
барин ялар  
хўрсиниб  
ўпка касали,  
нетайлик,  
биз айбдор эмасмиз аммо —  
юз миллион одамнинг  
танг эди ҳоли.  
Энди бундайларга  
меҳрибонмиз  
биз —  
жисмоний машқ билан  
тузалмас барча,—  
Москвада бизга ҳам  
кераклисиз  
сиз,  
узун оёқлилар  
етишмас анча.  
Терлама касалга,  
қорларга борган  
оёқларни бунда  
нефтчилар билан  
базмда  
эркалаш учун  
бемалол  
бериб қўймоқ  
сенга



## АРБОБ

Уртоқ Попов

қарийб деҳқон бўлган  
қарийб  
станокдан чиққан бир одам.  
Ҳатто партняли,  
аммо чўчиб қолган,  
бўғилиб,  
ўзича тўнғиллар ҳар дам:  
«Газетани очсанг  
танқид билан тўла,  
зил кетиб қулай дер  
ҳар қандай  
харсанг.

Боплашади.

Кимни?

Сочинг тикка бўлар  
ундаги обрўли номларни кўрсанг.  
Бу —

обрў тўкиш-ку,  
чуқур қазиш-ку...  
Танқидда ҳам,  
мундоқ,  
эҳтиёт шарт-да.

Булар бўлса

на даража,  
на стаж, обрў,  
на мансабни демай,  
уради шартта.

Пастдан

танқид қилиш —  
бамисли заҳар.





йиртгудай,  
чинқирар,  
товуши бўғилар.—  
Кеча —  
Ивановни,  
бугун эса —  
мени,  
эрта —  
совнаркомга етади булар!»  
Қўйинг,  
ўртоқ Попов,  
юрманг жириллаб.  
«Қўпориш»-у «обрў тўкиш»—  
бари сохта гап,  
Биз ҳаммани чақирамиз:  
10 танқид бизда  
маразларни қирсин,  
чекинмай,  
дадил,—  
бу  
бизларнинг софлигимиз,  
қудратимизга  
энг яхши далил.

1928

## ҒИЙБАТЧИ

Петр Иванович Сорокин  
эҳтироссиз —  
муз каби совуқ.  
Нуқсонлар унга ёт,  
ҳаттоки  
ичиш,  
чекиш одати ҳам йўқ.  
Уни  
фақат  
бир ишқибозлик,  
сувдай тошиб,  
жарликка судрар —  
телефонга  
худди сирғадек  
осилиб туришни  
хуш кўрар.  
Ғийбат билан  
қовурилиб  
пишган,  
такадай  
шаталоқ отади,  
биринчи  
эслаган  
танишга  
янгилик айтгали  
чопади.  
Нафаси тикилиб,  
хириллаб  
ич-ичингга  
ўрмалаб кириб  
гапиради

қўшиб,  
тўғрилаб,  
ўзининг беҳаё икир-чикирин.  
Қўлни сиққач,  
бошлайди секин:  
«Ичагингиз узилар —  
айтсам —  
Александр  
Петрович  
Брюкин —  
котибаси билан  
кўп маҳрам...  
Тестов бор-ку, Иван Иванич,  
бориб турган инженер  
бизда,  
йиллик сафаридан қайтармиш  
хотинининг ёнига тезда.  
Хотинчаси бўлса...  
узр,  
сир бу гап,  
бўйида бор...  
жанжал бўлади.  
Ҳа, айтганча —  
шаҳарда  
дув гап:  
бир куни  
тушида...»  
у лабин  
гўштдор кафти билан бекитди,  
даҳшатдан  
юзлари чизилиб кетди:  
«Австралияга —  
яна янги гап! —  
губком  
ультиматум берипти».  
Янгилликни



ҳадеб  
тўйиб  
томоша қилсанг  
бировларнинг ишин,  
тўшагин.

1928

## УРТОҚ ЛЕНИН БИЛАН СУҲБАТ

Бир жаҳон иш,  
                    шовқин-сурон сўнгида  
кун ҳам ўтди,  
                    аста тушди қоронғу.  
Ленин  
    ва мен —  
                    икки киши уйда  
оқ деворда  
                    ром ичидан боқар у.  
Лаби очиқ,  
                    оташин нутқ сўзлайди,  
тик мўйлаби  
                    жасоратдан  
                    нишона,  
серажиндир ўй тўла  
                    кенг пешона.  
Бутун башар  
                    тақдирини  
                    ўйлайди...  
Сонсиз байроқ...  
                    қўллар эса бесаноқ...  
Мен ўрнимдан турдим,  
                    завқим тошади,  
кўнглим унга  
                    салом,  
                    рапорт  
                    бериш учун шошади!  
«Уртоқ Ленин,  
                    сизга ҳисоб бераман.  
Хизмат эмас,  
                    юрак шунга ундайди.





ручка чўнтакда.  
Биз бошлаб  
    берамиз —  
        барининг додин,  
аммо бирдан янчмоқ  
        қийин, албатта.  
Ўртоқ Ленин,  
        тутун босган фабрикалар,  
қорли,  
        тўйин ерлар  
        узра одимлаб,  
қалбингиз-ла  
        яшаб,  
        сизни  
        табрикалаб,  
жанг қилиб,  
        яшаймиз,—  
        номингиз  
        дилда!»  
Бир жаҳон иш,  
        шовқин-сурон сўнгида  
кун ҳам ўтди,  
        аста тушди қоронғу.  
Ленин  
    ва мен —  
        икки киши уйда  
оқ деворда  
        ром ичидан  
        боқар у.

1929

# ВЛАДИМИР ФОЖИА МАЯКОВСКИЙ

МУҚАДДИМА  
ИККИ ВОҚЕА  
ХОТИМА

## ҚАТНАШАДИЛАР:

*Владимир Маяковский (20—  
25 ёшлардаги шоир)*

*Унинг таниши (бўйи 2—3  
саржин келадиган аёл. Гапир-  
майди)*

*Қуруқ, қора мушукларни кў-  
тариб олган чол (бир неча  
мингга кирган)*

*Кўзсиз ва оёқсиз киши*

*Қулоқсиз киши*

*Калласиз киши*

*От юзли киши*

*Бир жуфт бўсали киши*

*Оддий йигит*

*Кўзёшлари майда жувон*

*Кўзёшли жувон*

*Кўзёшлари йирик жувон*

*Газетчилар, болалар, қизчалар*

*ва ҳ. к.*

## МУҚАДДИМА

**В. М а я к о в с к и й**

Утётган йилларнинг нонуштасига  
хотиржам,  
мазахлар даҳшатин солиб,  
товоқда  
қалбимни элтаётирман,  
негалигин сиз аммо англармидингиз.  
Майдонларнинг қирилмаган ёноқларидан  
кераксиз кўзёш каби оқаётган  
эҳтимол  
мен — сўнгги шоирдирман.  
Сизлар пайқагандирсиз —  
тошлоқ хиёбонларда  
осилган хунобликнинг  
чайқалар йўл-йўл юзи,  
югурик дарёларнинг  
кўпик томоқларидан  
темир қўлли кўприклар  
ушлаб турипти эзиб.  
Уксиниб йиғлар фалак,  
овози тарак-тарак,  
булутнинг лабларида  
бужмайиб кетди ажин,  
бамисоли бир хотин  
фарзанд кутганда тийрак  
худо унга бергандай қийшиққина бир тентак.  
Сариқ-сарик қил босган  
биққи бармоқлар билан  
қуёш сизни эркалар сўнадай сурлик қилиб.  
Сизнинг қалбларингизда бир қул ўпилган обдан.  
Мен чироқлар шоҳиман!  
Симларнинг асабидан

тортилгандир қалб торим;  
мен қўрқмасман!

**Кундузги**

нурларга нафратимни  
асрларга обордим.

Ҳей, чошгоҳ сиртмоғида бўғилиб дод этганлар,  
ҳей, сукутни йиртганлар,—

қани, келинг қошимга,

мен фанорлар ёйидай гувиллаган, порлаган  
янги қалбларимизни  
маърашдай оддий сўз-ла  
сизларга очиб тутай.

Мен фақат бармоғимни бошингизга тегизсам,  
ҳамма халқларга азиз  
тилингиз, лабларингиз  
улкан бўсалар учун чўзилиб ўсиб чиқар.

**Мен эса**

**аста-секин**

оқсаган қалбчам билан  
нураган фалак бўйлаб  
юлдузлардан тешилган  
тахтим сари кетарман.

**Ялқов кийимларимда**

ҳақиқий гўнгдан бўлган юмшоқ ётоққинамга  
ётарман шуъла сочиб

ва аста тизи билан

шпалларни ўпгувчи

паровоз филдираги бўйнимни қучоқлагай.

## БИРИНЧИ ВОҶЕА

Уйин-кулги. Саҳна-шаҳар кўчаларида мезонлар. Гадойлар байрами. В. Маяковскийнинг бир ўзи. Ўткинчилар емак—вивескадаги—темир балиқни, каттакон олтин калачни, сариқ барқут бурмаларни олиб келадилар.

**В. Маяковский**

Муҳтарам жаноблар!  
Қалбимни яманг,  
то қалбимдан бўшлиқ силқиб турмасин  
Тупук—ҳақоратми, йўқми, билмайман.  
Мен тошхотин каби қуруқман, ҳозир.  
Муҳтарам жаноблар!  
Мени соғишди.  
Лекин хоҳлайсизми,  
шарт туриб ҳозир  
сизга ўйнаб берар ажойиб шоир?

Қуруқ, қора мушукларни кўтариб олган чол киради. Силайди. Соқоли ўсиқ.

**В. Маяковский**

Семизларни пўчоқ-уйлардан топинг  
ва шодликни уринг чирманда-қорнига.  
Эси паст, карларни пойидан тортинг  
ва пуфланг най қилиб, қулоқ-бурнига.  
Ғазаб бочкаларин тешингиз тагин,  
мен қайноқ ўй — тошни ейман-ку ҳадсиз.  
Бақироқ тост айтиб турсангиз бугун  
телбалик иккимиз никоҳланамиз.

Саҳна аста-аста тўла бошлайди. Қулоқсиз киши, Қалласиз киши ва ҳ. к. каллаварамлар. Тартибсиз туриб, овқатланишда давом этмоқдалар.

## **В. Маяковский**

Олмос мисраларнинг  
дайди заргари,  
ўзга уйлар парин тўзғитиб бугун,  
шундай бой, ранг-баранг бечораларнинг  
ёқай оламшумул байрамин бугун.

**Мушукларни кўтарган чол  
Қўй.**

Доно-оқиллар шиқилдоқларнинг  
эрмагига учмас.

Мен — минг яшар чол,  
кўряпман: сендаги бу ҳиринг-ҳиринг —  
аслида хўрланган қичқириқ беҳол.  
Юзлаб майда-чуйда кичик аламлар  
ва бир катта алам шаҳарда ётар.  
Қағиллаб баҳслашган чироқлар, шамлар  
шивирлаган тонглардан ўтар.

Ҳукмин ўтказолмас бизга майин ой,  
олифта, ўткирроқ — фонус-чироқлар.

Шаҳарларга ҳоким бўлиб ҳойнаҳой,  
бизни ҳам ўчирар жонсиз матоҳлар.

Оломон дод солар. Унинг бу ҳолин  
кўриб телбаланар фалакда худо.

Йўлларда чанг еган жулдур соқолин  
тутамлаб қўяр у, бўлиб норизо.

У — худо,

«Жазоланг!» дер наъра тортиб.

Сизнинг жонингизда эса — эски оҳ.

«Оҳ»ни отиб солинг!

Боринг-да,

қуруқ, қора мушукларни сийпаланг ҳар чоқ!  
Керилиб мешсимон қорнин ушлайсиз!  
пуфлайсиз ялтироқ лўппи юзига.  
Юнги қора тусли мушукларнинг сиз  
овлайсиз электр ўтин кўзидан.  
Ғоят мўл-кўл бўлар бу ўтлар ови,  
уларни симларга қўйсакми бутун —  
трамвайлар юрар, чироқлар олови  
зафар байрогидай ҳилпирар ҳар тун.  
Қувончдан қимирлаб қолади жаҳон,  
ҳар бир деразада товусланар гул,  
энди темир изда кезар ҳар инсон,  
орқада: қоп-қора мушуклар нуқул!  
Қизларнинг эғнига қадаймиз қуёш,  
тўғнағич қуямиз юлдузлардан ҳам.  
Уйингиздан олиб кетингиз-да бош,  
қуруқ, қора мушукларни силанг дам-бадам!

Қ у л о қ с и з к и ш и

Бу — ҳақ гап!  
Паррақлар дастаси турган  
шаҳарнинг устида  
қовоқлари нақ  
қоронғи ғор каби хотин кезмоқда,  
туфлар йўлкаларга,  
тупукларидан  
улкан ногиронлар ўсмоқда.  
Шаҳримизда аллаким  
зўр гуноҳ қилган, балким...  
Атрофга одам тўлиб  
чопмоқда пода бўлиб.  
Гул қоғозда, қоп-қаро  
қадаҳ сояси аро  
тиришган чол шу маҳал  
йиғлаб чалмоқда рояль.

## Атрофини ўрайдилар

Шаҳарни қийнамоқда ваҳима, азоб минг-минг.  
Ноталарга тегсангиз, бармоғингиз бўлар қон!  
Музикачи чол эса қутурган клавишнинг  
тишларидан қўлларин тортиб ололмай ҳайрон.

## Ҳамма ҳаяжонда

Мана бугун эрталаб  
дилни ғаш қилди аҳвол:  
маймоқ бўлиб юрдим мен,  
қўлимни осилтириб.  
Томда тарновкарнайлар  
рақсга тушиб бемалол  
44 рақамин тиз-ла тункага ёзди суриб.  
Жаноблар!  
Тўхтаб тулинг!  
Бизга шу ишми раво?!  
Ҳатто тор кўчалар ҳам муштлашишга бўлган  
шай.

Ҳасратим ортиб борар  
хавотирли, бедаво,  
ийглаётган кучукнинг тумшугида кўзёшдай.

## Ҳаяжон янада ортади

Мушукларни кўтарган чол  
Нарсаларни ёқинг!  
Кўрдингиз мана!  
Мен бекор уларни ёв деб билмовдим!



## От юзли киши

Нарсаларни севмоқ лозимдир яна?  
Нарсаларнинг жони ўзгадир, балким?

## Қулоқсиз киши

Кўп нарса тикилган пойма-пойига.  
Дил кекни эшитмас.  
Йўқ — жаҳл қилмоқ.

## От юзли киши

*(севиниб бошини лиқиллатади)*  
Одамдан очилган оғиз жойида  
кўплаб нарсаларга тикилган қулоқ!

## В. Маяковский

*(Қўл кўтаради, сўнг ўртага чиқади)*

Сизга,  
фарзандларим,  
берай зўр сабоқ:  
дил тубин кек билан  
мойлай кўрмангиз!  
Худонинг бошида бор катта қалпоқ,  
қалпоққа қўнғироқ —  
сизнинг ҳаммангиз.  
Оёғим  
излашдан то қаваргунча  
сизнинг ерингиздан  
қандайдир қадим  
қоронғи, ниқобли юртга боргунча  
ҳамма ўлкаларни айланиб чиқдим.  
Ҳар ерда  
изладим

мислсиз бир жон,  
шифобахш гулига ярам лабини  
бир марта босай деб қидирдим имкон.

*(Тўхтайтиди.)*

Қонли терга ботиб  
қул каби яна  
букаман жиннилик билан танимни.  
Дарвоқе,  
бир марта  
жонни учратдим.  
Кутиб олди ички кўйлақда мени.  
«Утиринг!  
Мен кўпдан кутардим,— дейди.  
Чой-пой ичасизми?»— дейди, сўрайди.

*(Тўхтайтиди.)*

Мен шоир одамман,  
мен ўз шахсиму  
барча ўзга шахслар  
фарқин ўчирдим.  
Синглиму опамни излаб морглардан,  
не-не беморларга бўса-гул сурдим.  
Бугун эса мана  
сариқ гулханга  
кўзёш денгизимни қўйдим чуқурроқ,  
оқсоч оналарнинг ажинлари ва  
шайладим сингиллар орин, нақ яроқ!  
Яланган залларнинг лаганларида  
сени еб ташлаймиз гўшт каби, замон!

Чойшабни олиб ташлайди. Баҳайбат бир хотин.  
Ваҳима. Оддий йигит югуриб киради. Ҳовлиқади.

**В. Маяковский**

**Муҳтарам жаноблар!  
Бразилияда  
дерларки,  
бор эмиш бахтли бир инсон!**

**Оддий йигит**

*(Ҳар кимнинг олдига бориб, тортқилайверади)*

**Муҳтарам жаноблар!  
Шошилманг!  
Тўхтанг!  
Муҳтарам жаноблар!  
Жаноб,  
ҳой жаноб,  
менга тезроқ айтинг гапининг чинини:  
инсон ҳам ёқарми ўз онасини?  
Жаноблар!  
Одамнинг мияси ўткир,  
аммо бошин эгар:  
олам тўла сир,  
китоблар,  
билимлар дурдонасини  
гулханга отяпсиз, ёқяпсиз ахир!  
Мен котлет ясовчи машин ўйладим.  
Алқим ёмон эмас!  
Бир танишим бор,  
билсангиз,  
йигирма беш йилдан буён  
бургатутар қопқон устида ишлар.  
Менинг хотиним бор,  
ҳамма биладн,  
яқинда туғади ўғил ёки қиз.**

Сиз эса ифлос сўз сўйлайсиз тагдор!  
Тагин зиёлисиз!  
Алам қилади.

Қулоқсиз киши

Йигит,  
қутига тур!

Оломондан биров

Е бўчкага чиқ!

Қулоқсиз киши

Гапирсанг одамга кўрниб гапир!

Оддий йигит

Нимага куласиз?!  
Менинг укам бор,  
ўзи миттигина, ҳамма билади.  
Келасиз укамнинг суягин ейсиз!  
Барини егингиз келади.

Говур-ғувур. Дудуклар. Саҳна ортида: «Иштон!  
Иштон!» деган қичқириқлар.

В. Маяковский

Кўйинг!

Оддий йигитни ҳар томондан ўраб оладилар.

Мендай оч бўлсайди  
агар қорнингиз,

ис босган заводнинг бадбуруш афти  
осмоннинг суягин ғажиган каби  
мағрибу машриқнинг уфқин  
ердингиз!

**О д д и й й и г и т**

Муҳаббатнинг қадри бир пулми, демак?  
Менинг бир синглим бор,  
оти Соняхон!

*(тиз чўқади)*

Азизлар!  
Увол-ку қон тўкмак!  
Жигарлар!  
Мутлақо керакмас гулхан!

Ғовур-ғувур ошади. Отишмалар. Бир хил оҳангда  
тарновқарнайдан оқайтган сувнинг овози эшитила бош-  
лайди. Тунука томларда ёмғир гувуллайди.

**О т ю з л и к и ш и**

Мендай севсайдингиз ҳаммангиз,  
севгини ўлдирар эдингиз  
ёки топардингиз бирор майдонни,  
ётқизиб тер босган дағал осмонни  
маъсум юлдузларни зўрлар эдингиз.

**Қ у л о қ с и з к и ш и**

Севишни билишмас сизда аёллар  
кирювғичдай шишган обдон ўпилиб.

Майдоннинг таранг қоринни минглаб оёқлар топ-  
тай бошлайди.

### О т ю з л и к и ш и

Аммо жонимдан ҳам тиктирса бўлар  
унақа моткани  
чиройли қилиб!

Ҳаяжонлар майдонни ёргудай. Ҳамма баҳайбат  
хотиннинг атрофида. Уни чалқанчасига қулатадилар.  
Судрайдилар.

(Бирга)

Бўлмаса кетдикми олдинга, қани —  
пайгамбар башорат қилган чоғида  
парчинланган ерга қараб юрамиз,  
яланғоч рақс учун берамиз танни,  
гуноҳлар, айбларнинг қора тоғида  
қизил гўштга атаб ҳайкал қурамиз.

Эшиккача судраб борадилар. У ерда шошилиб ке-  
лаётган Қўзсиз ва оёқсиз киши пайдо бўлади.  
Ниҳоятда шод. Телбалик сусаяди. Хотинни ташлайди-  
лар.

### Қ ў з с и з в а о ё қ с и з к и ш и

Тўхтанглар!  
Сизларга айтай ажиб сир:  
ҳамма  
юзда бир хил ғам билан аён  
юрган кўчаларда  
кампир-вақт ҳозир  
туғди

қийшиқоғиз ҳайбатли исён!  
Ернинг соҳиблари  
қўзғалган йилнинг  
тумшуғи олдида бўлдилар карахт,  
кек эса,  
шаҳарнинг пешонасида  
томир-дарёларга пуфлади сершахт.  
Вақтларнинг тепакал мияси узра  
қўрқиб  
тикка бўлди  
сочларнинг мили.  
Нарсалар отилди  
сирама-сира,  
фарёд этиб синди  
ҳатто сархили.  
Шайтон имосидан  
май жавонлари  
сувдонларга ўзи оқди  
қултиллаб,  
беҳуш тикувчининг тушди иштони,  
кўтаришга ҳол йўқ,  
қочди қилтиллаб!  
Жавоннинг пастдаги бир полкасидан  
майхўр ағнаб тушди,  
оғзини очиб.  
Robes et modes<sup>1</sup>нинг вивескасидан  
белбандлар осилди,  
ағнашдан чўчиб.  
Қиммат ва сиподир бир дона калиш.  
Нозланиб кўз қисар  
фоҳиша-пайпоқ.  
Мен учиб келдим-да, бамисли сўкиш.  
Қўшни йўлда чопар иккинчи оёқ.  
Ҳой сиз  
мени  
мажруҳ деб бақирганлар,

хомсемиз,  
душманлар,  
қари,  
бекарам!

Бутун дунёда ҳам  
топилмас бугун  
икки жойи бир хил  
бирон бир одам!

*(Парда)*



## ИККИНЧИ ВОҚЕА

Нохушлик. Янги шаҳардаги майдон. В. Маяковский энди тога<sup>2</sup> кийиб олган. Дафна гулчамбари. Эшик ортида кўплаб оёқлар

**Кўзсиз ва оёқсиз киши**

*(Илтифот билан)*

**Шоир!**

Князь бўпсиз.

Эълон қилишди.

Эшикка тўпланди

қобил фуқаро.

Ҳар қайсиси

кулгили бир идишни

олдига қўймоқда келган ҳамоно.

**В. Маяковский**

**Майли,  
киришсин!**

Қўрқа-писа тугун кўтарган жувонлар киришади. Кўндан-кўп таъзим қилишади.

**Биринчи жувон**

Кўзёшчам бу.

Тушган кўзимдан оқиб.

Менга керак эмас.

Сиз олинг!

Майли,  
Кўзимнинг ипидан  
манави оқи,  
Гуссага чўмасиз  
шу ёш туфайли!

**В Маяковский**

*(хавотирда)*

Керакмас,  
нетаман бундай хайрни?

*(иккинчи жувонга)*

Сизнинг ҳам шишганми кўзларингиз?

**И к к и н ч и ж у в о н**

*(парвосизлик билан.)*

Уғлим жон беряпти.

Майли.

Зарарсиз!

Туфлига қадарсиз:

мана,

ёш яна.

Каштаси чиройли бўлар нурангиз.

**В Маяковский**

*(қути учган)*

**У ч и н ч и ж у в о н**

Мен кирман,

ҳа, ифлос бу энгил-бошим —

қараманг.

Ювинсам — бұламан тоза.

Мана

сизга яна

менинг кўзёшим,

бу кўзёш бемаъни, йирикдир роса.

**В. Маяковский**

Бас, етар!

Кўзёшлар мисли тоғ бўлди.

Менга ҳам, дарвоқе, кетар чоғ бўлди.

Э, анов қўнғирсоч дилбар ким экан?

**Газетчилар**

Фигаро! Фигаро!

Фигаро!

Матэн!

Бир жуфт бўсалли киши кирди. Ҳамма унга бурилиб қарайди. Бир-бирига гап бермай гаплашадилар.

Ия, қандай ваҳший —

қаранг, халойиқ!

Сал силжинг.

Қоронғи.

Мени киритинг!

Ҳой, ҳиқичоқ йигит,

бор, нарига чиқ!

**Қалласиз киши**

Ҳиқ-ҳиқ-ҳиқ...

Иқ-иқ-иқ...

**Бир жуфт бўсали киши**

**Ичи пуч**

бу юмшоқ, жирканч булутлар

осмонга берилар.

Мана, кун ўлди.

Ҳаво қизлари ҳам олтин, зарга ўч,  
уларга бор-йўғи пул бўлса — бўлди.

**В. Маяковский**

**Нима?**

**Бир жуфт бўсали киши**

Пул! Пул, дейман, мўл бўлса — бўлди!

**Овозлар**

**Секинроқ!**

**Бир жуфт бўсали киши**

*(Тешик коптоклар рақси)*

Бир куни кап-катта ифлос одамга

бир жуфт бўса инъом қилди

бир барно.

Нетсин, қайга қўйсин бир жуфт бўсани,—

шунин билмас эди

бу ношуд одам.

Бутун шаҳар аҳли чиқиб байрамга,

черковда ўқирди тиловат, сано,

ясаниб чиқарди ўйнаб-кулгани.

Совқотарди фақат у одам

ҳар дам,

пояфзал тешиги худди тухумдай...

Ахийри каттароқ бўсани танлаб  
калиш кийган каби оёққа илди.  
Атрофда кезарди аммо изгириқ,  
панжасидан сўзак санчарди.

Шунда:

«Хўш,

Энди кераксиз бу бўсаларни  
ташлаб кета қолай!» деб жаҳл қилди.

Ташлади.

Сўнг шунда

бирдан бўсанинг

қулоқлари униб чиқди,

айланди.

«Ойи!» деб чинқира бошлади

бир сас.

Одамнинг юраги ҳалприқиб кетди...

Титроқ гавдачани йиртиқ қалбининг

жулдурига ўраб, уйига элтди,

кўм-кўк чорчўпчага қўймоқчи энди.

Чангли жомадонни титди талай вақт.

*(чорчўпча қидирди)*

Ортига боқса —

диванда

семиз,

алп,

ётарди бўса,

улғайипти роса,

кулар,

қутурар!

Одам: «Худо! — дея йиғлаб юборди, —

шундай ҳорирман деб ҳеч ўйламовдим,

энди мен ўзимни осишим лозим!»

У шўрлик,

у разил

ўзин осгунча,  
ўз пардозгоҳида  
бошқа хотинлар —  
тутунсиз, карнайсиз бу фабрикалар —  
лабларининг чўлп-чўлп гўшт дастгоҳида  
каттаю кичигу не бўсаларни  
ишлаб  
чиқаришар эди  
миллионлаб.

**Югуриб кирган бўса — болалар**

*(ўйноқилик билан)*

**Кўпмиз.**  
**Қўйворишди бизни бирма-бир.**  
**Олинглар!**  
**Қолганлар келишар ҳозир.**  
**Ҳозирча биз саккиз нафармиз холос.**  
**Мен —**  
**Митя бўламан.**  
**Олинг, илтимос!**

Ҳар бири биттадан кўзёши қўяди.

**В. Маяковский**

**Жаноблар!**  
**Эшитинг, —**  
**мен чидолмайман!**  
**Сизга-ку яхши-я,**  
**мен дардни нетай?**

**Таҳдидлар:**

**У билан гаплашиб ўзинг бир болла!**

Ҳой, сендан қовурдоқ қилиб қўсидай  
бир ёқлик қилмайлик, ўйлаб кўр-чи-а!

Юнги юлинган мушук кўтарган Чол  
Қўшиқлар айтишга устадирсен сен.

(Қўзёшлар уюмига имо қилиб)

Обор, кўриб қўйсин гўзал Худойинг.

**В. Маяковский**

Қўйворинг, бир нафас ўлтирайин мен!

Ўлтиргани қўймайдилар. В. Маяковский беўхшов  
депсинади, кўзёшларни жомадонга жойлаштиради.  
Жомадон билан туради.

Яхши!

Йўл беринглар, кетсам кетайин!

Мен вужуди нозик бир юнонсимон  
тахтга ўлтирарман кўзларим чақноқ  
ва шод бўларман, деб ўйлаган эдим.

Йўқ!

Замон,

мен учун қадрдон

йўллар,

сизларнинг ингичка пойларингизу

шимол дарёларин оқ сочларини

унута олмайман ҳеч қачон!

Мана, мен бугун ҳам

ўтиб шаҳардан

томлар гумбазининг найзаларига

юракни иларман парча-парчалаб.

Осмон гумбазининг сўкиб ташланган —

чоки сари борар ён тарафда ой.

Етиб олар,

зумда бошим чамалаб.

Мен оғир юким-ла

кетарман шаксиз,

қоқилиб-суқилиб етарман шаксиз,  
хўдудсиз ҳасратлар исканжасида  
жоҳил-муз океан ўз тўлқинларин  
бармоқлари билан доим кўксини  
йиртяпман, шимолга,  
ўша томонга  
бу юкни эмаклаб элтарман шаксиз.  
Мен ҳорғин судралиб бориб етарман —  
сизнинг ёшингизни сўнг бор алаҳлаб  
ёввойи ишончлар туғилган жойда  
қаҳҳор худойимга қараб  
отарман.

*(Парда)*



## ХОТИМА

В. Маяковский

Шўрлик каламушлар,  
сиз ҳақда ёздим.  
Эмчагим йўғига ачиндим фақат:  
йўқса ёш онадай бир эмизардим,  
Энди сал қуридим.  
Тарқади ҳасрат.  
Аммо  
ким  
қаерда  
фикру тилакка  
бундай ғайриоддий беролган қанот!  
Фақат мен  
бармоқни қадаб фалакка  
уни: ўгри! дея қилолдим исбот.  
Уйлаб қоламан гоҳ:  
Псков қиролими,  
голланд хўрозими —  
мен ўзим кимман?  
Ҳаммасидан кўпроқ  
завқ оламан гоҳ  
худди Владимир Маяковский  
деган фамилиям-исмимдан.

1913

ИШТОН

КИИГАН

ТЕТРАПТИХ БУЛУТ

«Иштон кийган булут»ни ҳозирги  
замон санъати тафсири деб ҳисоб-  
В. Маяковский. лайман









**БАТСКАЯ**  
**СУЗУМКА**

Яғир-ясмоқ тўшакда хўп семирган қаролдай,  
суяқ миянгиздаги у ўйчан фикрингизни  
қонли дил лахтаги-ла гиж-гижлаб қутуртирай  
сурларча, тўйиб-тўйиб,  
бир мазах қилай сизни.

Оқарган сочи йўқдир қалбимнинг бирор дона,  
унда йўқ қариларга хос бўлган назокат ҳам!  
Товшим қудрати билан каттайтириб дунёни  
йигирма икки ёшда  
келяпман гўзал, кўркам.

**Нозиклар!**

Сиз севгини гижжакка қиласиз жо!  
Қўпол эса, севгисин жойлар қўшноғорага.  
Сиз кўкракни мен каби шартта йиртиб аввало  
сўнгра кўрсатолмайсиз пичоқ тираб ярага!

Батист меҳмонхонадан чиқинг уялиб жиндай  
Парилар лигасида амали бор хонимча.  
«Пазандалик» китобин титган ошпаз хотиндай  
сиз ҳам лабларин беғам варақлаган ойимча.

Хоҳлайсизми —

бўлайин гўштдан қутурган итдай —

хоҳлайсизми —

ўзгартиб тусимни мисли осмон —

эркак эмас, бамисли иштон кийган булутдай

майингина бўлайин — бекаму кўст, бенуқсон!

Ницца гулхонасининг борлигига шубҳам бор!

Қасалхона сингари ўнгиб кетган эркаклар,

Мақол каби титилган аёллар ҳам бир қатор  
мақтаб кўтармоқдалар яна мени кўкларга...

1

Уйларсиз: «Алаҳлаб қоптими, ия!»

Бу бўлган,  
Одессада бўлган.

«Тўртда келаман», деганди Мария.

Келмади саккизга.  
Тўққизга.  
Унга.

Тун ваҳми қўйнига  
декабрь, қишда  
мана ўшшайганча  
деразалардан  
оқшом ҳам жилар.

Букчайган қаддимга қаҳқаҳлар, кишнар  
қандиллар.

Мени таний олмас эдингиз бу зум:  
инграру, тўлғонар  
давангир, хумбош.  
Ҳўкиздай бу тошга не экан лозим?  
Кўп нарсани хоҳлар ҳўкиздай бу тош!  
Юрагим биринжми,  
совуқ темирми,—  
ўзим учун бунинг фарқи йўқ ахир.  
Тунлари ичимдан чиққан жарангни  
яширсайди дейман  
юмшоқ бир багир.

Дарчага энгашдим



гунгурсдай одам,  
ойнани манглайим билан эритдим.  
Севги бўладими, йўқми?  
Ва қайдам,  
каттакон севгими  
ва ёки митти?  
Қатта севги бундай гавдада нетар:  
кичик бўлса керак,  
мўмин ишқ,  
увоқ.  
Машина «дуд»ласа у чўчиб кетар.  
Севар тойчоқларнинг қўнғироқларин.

Чўтир юзларига юзимни тираб  
ёмғирнинг қўйнига кириб кетаман,  
шаҳар долғасининг селида инграб  
кутаман.

Яримтун изғиркан пичоғи билан  
қувиб етди,  
сўйди —  
уни йўқ қилди!  
Кундада кесилган одам бошидай  
соатдан ўн икки  
рақам йиқилди.  
Париждаги Биби Марям калисосида  
улкан хаюлалар<sup>1</sup> увлагансимон  
ойналардан кулранг ёмғирлар оқиб  
буришган юзларин қилар намоён.

Лаънати!

Бу камми, муҳаббатбезор?  
Оғзим йиртиллар-ку қичқирсам яна.  
Аста каравотдан тургандек бемор,  
асаб сакраб турди,  
эшитдим.

Мана,—  
у ён-бу ён юрди зўрға  
аввало,  
сўнг хавотирланиб  
югурди  
шахдам.  
Энди тоғчумчуқдай бўларди бежо —  
битта асаб ҳамда иккита одам.

Сувоқ кўчиб тушди пастки қаватда.  
Асаблар —  
каттаю  
кичик —  
бари жам  
қутуриб сакрашар  
ва чалишади  
энди асабларнинг оёқлари ҳам.  
Тун-чи лойқаланиб борар тобора  
мудроқ кўз чиқолмас лойқа ичидан.

Эшиклар ғижирлар,  
тегмайди гўё  
мусофирхонанинг тиши тишига.

Сен кириб келдинг «манг!»  
дегандай дағал,  
қўлқопинг ғижимлаб кескин сўйладинг:  
«Мен эрга тегяпман,  
ўйладим,  
бу — ҳал!»

Хўп, тегинг.  
Майлига.  
Ўлмасман жуда.  
Қаранг  
мурда томиридай  
жимман, осуда!

«Жек Лондон,  
пул,  
севги,  
иштиёқлар»дан  
гапирган пайтингиз  
эсингиздами?  
Мен сизни Жоконда<sup>2</sup>  
билувдим у он  
ўғирлаб кетмоқчи бўлиб бу ердан.

Ўғирлаб кетишди.

Қошларим ёйини ўт-ла ёритиб  
ошиқ бўлиб ўзни ўйинга чоғлай.  
Баъзан  
ёнган уйни бошпана этиб  
яшайди-ку ахир уйсиз саёқлар.

Сиз менга:  
«Телбалик зумрадларингиз  
гадойнинг пулидан кам»,— деб ўйнашманг.  
Эсларсиз:  
Везувийни ўйнашганин сиз!..  
Помпея<sup>3</sup> кўмилган, ҳоли бўлиб танг!

Ҳей!  
Жаноблар!  
Куфру  
жинояту  
қирғинга  
ўчлар!  
Мен  
мутлоқ хотиржам  
бўлганим тобда  
қўрқинчли юзимни  
кўрганмисиз ҳеч?

Мендан чиқмоқ бўлиб,  
чиқолмас кимдир.  
Сегадим:  
«мен» мен учун тордир кироини.

Алло! Ким бу ахир?  
Сизмисиз, ойи?  
Ойи-и-и!

Урлингиз йўлиққан алламбалога!  
Ойи!  
Юрагига унинг ўт кетган.  
Айтинг опаларим Люда, Оляга,  
айтинг қочмоғига имкон йўқ экан.

У қусётган ҳар сўз,  
ҳар ҳазил ҳатто,  
яланғоч фоҳиша ўзини  
ёнган гархонадан отгандай гўё  
отилиб чиқади куйган бўғзидан.

Одамлар искашар —  
куймоқда недир!  
Ҳайдаб ҳам келишар  
сўнг кимларнидир.

Ҳаммаси ялтироқ  
дубулға кийган!  
Қатта этикларда мумкинмас бироқ!  
Ўт ўчирувчиларга айтиб қўйингким:  
куйган юракларга фақат эркалаб,  
навозишлар билан кирмоқлик мумкин.  
Юрагим оловин ўчиргум ўзим  
шашқатор ёшлари билан кўзимнинг,  
таяниб қовурғам пояларига.

**Чиқаман! Чиқаман! Чиқаман! Қочинг!  
Аmmo қулаб тушди қовурғаларим.  
Юракдан чиқолмайсан — йўқдир иложинг!**

**Ёнётган юзимда  
лаблар дарзидан  
куйиб кўмир бўлган  
бўса ташланар.**

**Ойи!  
Мен  
энди ҳеч  
куйлай олмайман!  
Қалбим черковида куйлар бошқалар!**

**Ёнётган уйдаги болалар сингари  
куйган сўзлар билан баъзи бир кунлар  
шакли  
учиб тушар бошчаноғимдан —  
«Лузитания»нинг ёнётган қўллари  
тутмоқчи бўлганди осмонни шундай.**

**Тинч уйда  
титраган одамлар томон  
юз кўзли тонг  
бандаргоҳдан ташланади жим.  
Ёнганимни асрларга этолгин баён.  
лоақал сен, эй менинг сўнгги фарёдим!**

## **2**

**Мени мақтанг!  
Буюклар менга тенг эмас.  
Қилинган барча иш  
мен учун бир пул.**

**Ҳеч қачон**  
ҳеч нима ўқигим келмас.  
**Китобларми?**  
**Китоб — нима ул?!**

**Шоир келадию**  
огиз жуфтлайди,  
бирдан қўшиқ тўқир серзавқ анойи,  
катта бир китобни аста бошлайди,—  
илгари шундай деб ўйлардим  
доим.

**Ундай эмас экан:**  
Куйлашдан бурун  
юриларкан йўлнинг тошу қумида,  
тасаввурнинг тентак балиғи тун-кун  
типирчилар экан қалб қуйқумида.  
То қофия топиб қайнатмагунча  
аллақандай ишқу булбул шўрвасин,  
тўлғанар тилидан маҳрум бир кўча —  
бақирмас, сўзламас,— тилсиз найласин?!  
Биз қайта тиклаймиз гурурдан жўшиб  
шаҳарларнинг Бобил минорларини.  
**Аммо**  
шаҳарларга сўзларни қўшиб  
яна шудгорларга  
ағдарар худо.

Бўғизда диккайиб турар қичқириқ.  
Кўча азобни жим қорди тупроққа.  
Дўмбоқ таксилару  
ориқ  
аравалар  
кўндаланг тиқилиб турар томоққа.

Кўксим хароб бўлди.  
Силдан ҳам ёмон.

Йўлларни бекитди шаҳар зулмати.

Черковнинг эшиги  
томоқдан бўлган  
сур-сурни  
майдонга  
туфлаган пайти,  
фаришталар тоатида туналган худо  
жазолашга келар деган хаёлга бордим.

Оломон ўтириб бақирди аммо:  
«Юринг, ул-бул еймиз, очиқди қорин!»  
Шаҳарда Крупплар, Круппзодалар<sup>5</sup>  
офатни пардозлаб кўрсатмоқдалар,  
аммо оғизларда сўз ўликлари  
айнимоқда ёмон,  
фақат «аблаҳ» ва  
яна аллақандай бир калом — «шўрва» —  
шулар яшамоқда семириб ҳамон.

Ийглаб кўз ёшига бўккан шоирлар  
пахмайиб кўчадан қочдилар четга:  
«Эришиб бўлмас бу  
икки сўз бирла  
на гулга,  
на қизга,  
на муҳаббатга».

Кўчада  
шоирлар кетидан аммо  
талабалар,  
пудратчилар,  
ғарлар келар минглаб...

Жаноблар!  
Тўхтанглар!

Гадо  
эмассиз!  
Садақа сўрашга уялинглар!

Қадамимиз собит,  
соғмиз, саломат;  
уларни тингламай  
йиртайлик тар-тарт —  
ҳар икки кишилиқ бир каравотга  
текин иловадай ёпишган улар!

Шуларданми гимн, оратория  
ёзиб бергин дея,  
истаймиз нажот!  
Ўзимиз фабрика, лаборатория  
шовқини-гимнида этамиз ижод.

Фауст, Мефистофель осмон паркетида  
сирғалса мушаклар отиб, чикора?!  
Биламан —  
этигим ичидаги мих  
Гёте  
хаёлидан мудҳиш минг бора!

Менинг оғзим олтин,  
сўзим дафъатан  
жон туғиб,  
этолар танга жон ато,  
мен қилган,  
қилмоқчи бўлган нарсдан  
тирик нарсаларнинг зарраси  
аъло!

Эшитинг!  
Бугунги Зардушт шаллақи  
тўлғониб,  
ҳиқиллаб воизлик қилар!



Биз,  
Яъни лаблари қандилдай салқи,  
юзлари чойшабдек уйқу юқилар,  
биз,  
киру олтинлар яра тарқатган  
моховлар шаҳрининг жафокашлари,—  
биз Римнинг софроқмиз нақшинларидан,  
денгизу қуёшлар ювган сингари!

Гомер, Овидийда  
биздай ис босган  
чўтирлар йўқ бўлса,  
тупурдим бунга.  
Қалбимизнинг олтин конларин кўрса,  
биламан,  
қуёш ҳам  
сўнарди зумда!

Қўлга ишонч кўпроқ,  
тоатга эмас.  
Наҳотки, тиласак замондан хайр!  
Олам жиловини,  
биз,  
яъни ҳар кас  
маҳкам ушлаганмиз,  
гажирмиз, чайир!

Шу нарса бошлади Голгофа<sup>6</sup>ларга —  
Петроград, Москва, Киев, Одесса  
аҳллари қошига,  
ва «Бос уни, сўй!»  
дея бақирмаган  
қолмади  
кимса.

Аmmo сиз,  
одамлар,

мени эзганлар ҳам,—  
хаммангиз  
мен учун азиз,  
яқинсиз.

Урадиган қўлни ит кўпроқ ялар —  
кўргансиз...

Мен  
бугун  
беадаб латифасимон  
ваҳший одамларга кулгига қолдим,  
аммо тоғлар оша келмоқда замон,  
мен уни кўролдим ҳаммадан олдин.

Чўлтоқфаҳм одамларнинг нафсини тийиб,  
очларнинг галаси босар муттасил,  
инқилобнинг тикон чамбарин кийиб  
бостириб киради ўн олтинчи йил.

Мен-чи ўша йилнинг илҳомчисиман,  
ҳамдарадман ҳар қачон оғриқ бор қалбга,  
кўзёш оқимининг ҳар томчисида  
парчинлаб ташладим ўзимни салбга.  
Айбларни кечириш қийин тобора.  
Меҳр ундирилган дилларни ёқдим.  
Мингларча Бастилияни олгандан кўра  
бу иш мушкулроқдир!

У келган чоғида,  
кўтариб исён  
халоскор қошига чиққанингизда,  
мен  
қалбимни юлиб,  
топтаб,—  
каттайтиб!—

қонли байроқсимон  
бераман сизга.

### 3

Еп-ёруғ шодликка  
кир мушт ўқталув...—  
қайдан чиққан гап бу,  
нега чиққан бу!

Бирдан  
жиннихона фикри келди-ю,  
маъюслик пардасин бошга илди у.

Кейин,—  
дредноут<sup>7</sup> чўкса,  
одамлар  
спазма<sup>8</sup>дан  
қочгандай  
излаб  
очиқ люк<sup>9</sup>—  
додлатиб ёрилган йиртиқ кўзидан  
қочарди ақлдан озганча Бурлюк<sup>10</sup>.

Ёшланган қовоғин нақ қонга белаб,  
чиқволди ,  
ўрнидан турди-да,  
кетди,  
семизликка нохос майинлик билан  
туйқусдан у:  
«Яхши!»  
деб хитоб этди.

Ётларнинг кўзидан асраб юракни  
сап-сарик кофтага буркамоқ яхши!  
«Ичинглар Ван-Гутен какаосидан!»<sup>11</sup>

деб қатл олдидан  
бўкирмоқ  
яхши!

Ҳеч нега бермасдим  
шу зумни сира,  
банголча шовқинли  
шу он тафтини...  
Кўринг тутун аро,  
қадах, май узра  
Северянин<sup>12</sup>нинг маст,  
чўзиқ афтини.

Шунчаки сайрайсиз беданасимон,  
яхши шоирмисиз, айтинг, аслида?!  
Бошчаноқ ҳолдаги бу жаҳон  
бугун  
бичилмоғи керак  
кастет<sup>13</sup> шаклида.

Сиз,  
«Рақсим гўзалми?» деб кўнглингиз ғаш,—  
фақат шу қаблда яшайсиз пўрим,  
мен —  
майдон дайдисси, сутенёр<sup>14</sup>-ўйнаш,  
қартавоз фирромнинг ўйинин  
кўринг!

Ошиқликдан ивиш  
насибдир сизга,  
ёшларингиз оқди  
асрлар томон.  
Монокль-қуёшни йирилган кўзга  
ўрнатиб,  
сизларни ташлаб кетаман.

Ҳаммага ёққани ҳамда ёнгани  
дунёни кезаман  
ясаниб олиб,  
Наполеонни эса мопс сингари  
занжирлаб юраман олдимга солиб.

Бутун ер узанар бир хотин каби,  
бергани ётиб ҳам, эти диркиллар,  
нарсалар жонланар —  
уларнинг лаби:  
«атта, атта» қилар,  
«ли-ли-ли» қилар!

Булутлар-мулутлар  
бирдан  
осмонда  
айқаш-уйқаш бўлиб чайқалди ҳар ён,  
гўё оқ ишчилар тарқар, осмонга —  
серзарда ишташлар қилганча эълон.

Булутлар ортида ваҳший қалдироқ  
шиддат-ла сўлақмон бурнини қоқди,  
темир Бисмарк юзидай бир зум ўтмаёқ  
осмон ҳам бужмайиб  
тутоқди.

Ва кимдир —  
қолгандай туманлар аро,  
йўлини йўқотиб, кўрмасдан кўзи,  
қўлларин аёлдай, севгандай гўё  
тўп лафети каби  
кафега чўзди.

Бунни сиз қуёш деб ўйламанг зинҳор,  
силар деб юзидан қаҳвахонани.

Бу — яъни отишга исёнкорларни  
Генерал Галифе<sup>15</sup> келар дегани!

Чўнтакдан қўлларни чиқаринг, ғарлар,  
ё пичоқ ва ё тош, ё бомба олинг,  
бордию қўлингиз бўлмаса агар  
шундай келаверинг,  
манглай-ла солинг!

Келаверинг, қорни куйлаган очлар,  
бургадор кир жойда ачиб кетганлар,  
терлаб ишлаганлар ва яланғочлар,  
зўрларга қўрққандан таъзим этганлар!

Келингиз!

Душанба-сешанбаларни  
қон билан байрамга бўяб қўямиз!  
Тупроқ расво қилмоқ бўлганди бизни,  
шуни эсга олсин еганда пичоқ,  
Ротшильд силласини қуритган қиздай  
ахийри симириб кетган бу тупроқ!

Ҳар сонли байрамда отиш бўлган чоғ  
кўкда ҳилпираган байроқ сингари —  
фонус симёғочлар, қалқинг баландроқ,  
капшон саркорларин қон таналари.

Сўкинди,  
эланди  
ва қилди абжақ —  
кимдир деб, кимнидир  
қаттиқ тишларди.

Ҳаром ўлаётган қип-қизил шафақ  
кўкда марсельеза каби титрарди.

Ақлдан озиш ҳам бошланди мана.

Ҳеч нима бўлмайди.

Тун кириб келар,  
озгина еб кўрар, еб қилар адо.

Кўряпсизми —  
юлдузларнинг сотқинлигидан  
яхшигина чапланган само  
хоинликлар қилмоқда яна!

Тун келди.

Шаҳарга

Мамай сингари кетини қўйганча  
бошлади базм.<sup>16</sup>

Бу тунни тешай деб боқманг бекорга —  
Азеф<sup>17</sup> кўзларидай балойи азим.

Отилиб майхона бурчакларига  
май тўқардим дастурхонга, юракка ҳадеб,  
бурчакда кўзлари катта очилган  
Марям онамизни кўриб жунжикдим:  
турарди юракка кўзларин қадаб.

Бир-биридан фарқсиз мазкур тўдани  
жамолинг нуридан этма баҳраманд!  
Кўряпсанми — улар шўрлик Исодан  
Варавани <sup>18</sup> яна қўйишар баланд?

Инсонлик тертида

менинг юзим ҳам

ҳеч кимнинг юзидан, балки, фарқ қилмас.

Балки, ўғилларинг аро

энг кўркам

ўғлинг мен бўлсам ҳам ҳеч ажаб эмас.

Сен шодликдан моғор босганларга тез  
вақт ўлимин юбор, қирилиб кетсин,  
ўғлонлар оталар бўлганча кулиб,  
қизчалар албатта бўйида бўлиб  
тегишли фарзандлар вояга етсин.

Тўғри, машинани ҳамда англизни  
мақтаб шеър ёзмоққа доим ҳозирман,  
титкилаб-текшириб, кўринг Инжилни,  
балки ўн учинчи ҳаворий<sup>19</sup>дирман.  
Ҳар соат,  
кечаси ва кундуслари  
оҳ!— деб янграганда товшим  
беором —  
эҳтимол, қалбимнинг бўтакўзларин  
ҳидлаб қўяр Исо Алайҳиссалом.

#### 4

Мария! Мария! Мария!  
Қирит, Мария!  
Кўчаларда қола олмайман!  
Хоҳламайсанми?  
Мен  
юзларим ажинга тўлиб,  
ҳамма тотганидан  
бемаза бўлиб,  
тишсиз ямланганча  
«ғоят софдирман»  
дея  
келишимни  
кутаётирсан.

Кўряпсан,  
Мария —  
букчайиб ҳам қолдим қанчалар.



Кўчаларда:  
қирқ йил кезган сийқа одамлар  
тўрт қаватли бағбагага ёғини жамлаб,  
кечаги меҳрнинг қора нонини  
тишлаб юрганимдан ҳиринглагани  
бит кўзларин  
— яна!—  
чиқармоқдалар.

Ёмғир кўзёш тўкиб кетди йўлларга.  
Қўлмақлар ивитиб юборган ўғри  
ўлик тош терилган кўчани ялар.  
Сумалакнинг совуқ киприкларида,—  
ҳа, тўғри,—  
оқарган киприкларида —  
кўзёши,—  
ҳа,—  
ерга боққан кўзларнинг  
тарновкарнайидан оқиб тушган ёш.

Ёмғир сўриб олди йўловчиларни,  
фойтунни ясатар семиз атлетлар:  
одамлар тўйганки,  
нақ ёрилгудек,  
ва ёғи оққудек ёриқларидан,  
фойтундан лойқа бир дарёдай оқар  
бўккан нон,  
чайналган эски котлетлар.

Мария!  
Семирган қулоқларга мен  
осуда сўзимни қандай суқайин?  
Қушча — оч,  
янгротиб сайрамоқдадир,  
қўшиқ айтиб увоқ сўрамоқдадир,  
мен эса, Мария,

оддий одамман,  
бор-йўғи Пресня<sup>20</sup>нинг ифлос қўлига  
сил кеча ташлаган балғамман холос.

Мария! Истасанг...  
Кирит, Мария!  
Бармоқларим титраб,  
қўнғироғингнинг  
темир бўғзин босдим телбаларга хос!

Мария!

Кўчалар яйлови ваҳший.  
Бўгган бармоқларнинг изи томоқда.

Оч тезроқ!

Эзилдим!

Кўриб қўй яхши —  
аёл шляпаси тўғноғичлари  
кўзларга санчилган бир ёқда!

Киритдинг.

Гўдагим.  
Хўкиз бўйнимда —  
қорни тер хотинлар ивиган тоғдай  
ўтирганин кўриб, сен қўрқма сира,—  
Мен миллион азамат соф севгилар  
ва  
миллион-миллион ифлос севгичаларни  
кўтариб келяпман ҳаёт бағридан.  
Қўрқма, қиз,  
хиёнат дўли ёғганда  
минг хушрўй пинжига кирар, деб яна

«Маяковскийнинг хуштори сонсиз!» —  
телба юрагида маликаларнинг  
бутун сулоласи қурган тантана.

**Мария, яқин кел!**

Қўрқиб-титрабми,  
яланғоч бўлибми беяйт-беор  
бер, рангин лабларинг жозибин ахир:  
мену дил жавзони кўрмадик бир бор,  
юз бор бошдан ўтди биргина савр.

**Мария!**

Бир шоир Тиана<sup>21</sup>сига  
сонетлар куйлайди бағрини тилиб,  
мен эса —  
гўштанман —  
инсонман бутун:  
христиан аҳли «хайру садақа»  
сўрагани каби  
жўнгина қилиб,  
баданингни бер, деб сўрайман бу тун.

**Мария!**

**Мария!**

**Баданингни бер!**

Шоир зўрға топган тўкиб қанча тер  
зўрликда биргина худодай сўзни  
унутиб қўйишдан қўрққани каби  
исминг унутмасам дея қўрқаман.

Ҳарбда бир оёғи кесилган солдат  
ҳеч кимга кераксиз бўлса ҳам ўзи  
ёлғиз оёғини алқаб юргандай  
баданингни севиб олқайман  
албат!

Мария —  
хоҳиш йўқ?  
Хоҳиш йўқ, де!

Ҳа!

Демак —  
поезд босган панжаларини  
уясига олиб кетётган итдай  
ийғлаб қоронғида бошим осилиб  
юрагимни олиб  
кетаман қайта.

Юрагим қони-ла йўлни шод этай,  
ёпишар гул бўлиб кителга бутун.  
Минг карра рақс тушар, Иродиададай<sup>22</sup>  
Ваъзгўйнинг калласи — Ер гирдида Кун.  
Ёшимнинг саноғи бўлганда тамом  
менинг падаримнинг уйига томом  
сонсиз қончалардан  
бир из тўшалар.

Зовурларда тунаб,  
кир чиқиб келиб,  
турарман Исонинг ёнида шундоқ  
сўнгра қулоғига дерман  
эгилиб:

— Қулоқ солинг, жаноби худо!  
Булут киселига  
раҳмли кўзни  
ҳар кун ҳўллаб, диққат бўлмадингизми?  
Келинг, биласизми, бир оз нарида —  
яхшилиқ, ёмонлик дарахтларида  
от ўйин тузамиз таълим олгани!

Худосан, ҳар жойда бўлоласан шай,  
ҳар бир шкафда тур, овозингни тий:  
иккимиз столга териб қўйсак май,  
қувнаб, кайфи ошиб Петр Ҳаворий  
ки-ка-пу рақсига йўрғалаб кетсин.  
Жаннатга жойлайлик Ҳавочаларни:  
буюр,—  
келтираман етмиш еттисин  
тунги кўчаларнинг зебочаларин.

Хоҳлайсанми?

Ҳа-ҳа хоҳламайсанми?

Бошни чайқайсан-а, ҳа паҳмоқ соқол?  
Оқарган қошингни чимирдинг-а, чол?  
Орқангдаги манов кўрмак қанотдор  
севгини билади, деб ўйлайсанми?

Мен ҳам фариштаман,  
улар кўзига  
ширин қўзи бўлиб кўринар эдим,  
ғамлардан қуйилган  
севр ваза<sup>23</sup>син  
энди бияларга қилмайман тақдим.

Сен қўлни иккита яратдинг, худо,  
ҳар кимга калла ҳам бердинг бус-бутун,  
азобланмай ўпмоқ, ўпмоқни аммо,  
ўйлаб чиқармадинг, илоҳим, нечун?!

Мен сени кучли, чўнг худо деб билсам,  
чаласавод, майда худочайкансан.  
Боқ, бу дам  
эгилиб,  
қўнжим ичидан  
косиб пичоқчамни олаётирман.

Қанотли разиллар!  
Жаннатга тиқилинг!..  
Патларни ҳурпайтиб титранг бу кеча!  
Сен, бухўр ҳидлини, мен тилим-тилим  
тилиб борай бундан Аляскагача!

Қўйворинг!

Йўлимдан  
тўхтатманг мени.  
Ноҳақми,  
ҳақманми,—  
тинч бўлолмайман.  
Юлдузлар кесипди яна каллани.  
Осмонни белашди — кўринг — қон билан!

Ҳей, сиз!  
Осмон!  
Олинг бошдан қалпоқни!  
Мен чиқяпман йўлга!

Индолмас бир зот.

Қана-юлдуз тўла улкан қулорин  
қўйиб олиб қўлга,  
ухлар коинот.

1914—1915

УМУРТҚАМ-  
ДОСТОН НИНГ  
СИВИЗҒАСИ

## МУҚАДДИМА

Эй,  
менга ёққан ва ёқар одамлар,  
қалбим ғоридаги азиз санамлар,  
сизларни шарафлаб кўтаргандай май  
шеър тўла калламни азот кўтарай.

Кўпинча ўйлайман —  
умримга шу дам  
яхшироқ бўлмасми ўқ-нуқта қўйсам?  
Бугун мен сизларга  
эҳтиёти шарт  
видолашув учун бераман концерт.

Суюк одамларнинг навбати узун,  
мия даҳлизидан йиғиб кел, хотир!  
Кўзлардан кўзларга кулгиларни сун.  
Утган тўйлар билан тунни ясантир.  
Баданга шодликни қуйинг бадандан.  
Сақлансин ҳар кимнинг хотирида тун.  
Мен бугун  
сивизга чалиб бераман,  
шахсий умуртқамни чаламан бугун.

### 1

Йўл танобин тортар одимим шаҳди.  
Дўзахни яшириб, қайга борарман?  
Қайси ғайритупроқ, самовий Гофман!  
хаёлда яратди сени, лаънати?



Шодлик бўронига кўчалар ҳам тор.  
Байрам башангларни йиғиб ташлади.  
Уйлайман.  
Фикрлар калламдан бемор  
қуюқ, лахталаниб чиқа бошлади.

Шодлик мўъжизасин яратаман-у,  
байрам қилай десам махрамим йўқ бир.  
Нева тош йўлига ўзни отаман,  
гурс этиб калламни ёраман ҳозир!  
Мен — шаккок,  
мен — осий  
худо йўқ девдим,  
бир қиз чиқардики дўзахдан худо,  
тоғ ҳам титраб кетар  
ҳаяжон  
босиб,  
менга ғса:  
— Сев!— деб берди у фармон.

Худо шод.  
Ана жар.  
Жар ёқасида —  
инсон ваҳшийлашиб бўлмоқда адо.  
Худо кафтчасига кафтчасин ишқар.  
Шошма, Владимир — ўйлайди худо.  
Кимлигинг ўзингга бўлсин деб жумбоқ  
сенга ҳақиқий эр ўйлаб топмоғу  
инсон ноталарин роялга қўймоқ —  
буларни уддалай олар фақат у.  
Ётоқ эшигига келиб аллаким  
қавиқ кўрпангизга қўлин чўзиб жим  
чўқинтириб қўймоқ бўлса дафъатан,  
биламан: аччиқ дуд чиқариб, куйган  
жун исини пуркар шайтон этли тан.  
Мен бундай қилмадим.

Сени  
севгани  
обкетишган,  
дея даҳшатда толдим,  
додимни байтларга қирралайвериб  
ярим телба заргар бўлиб ҳам қолдим.

Юрак  
қуриб кетган,  
бўғзин май билан  
чайқашми  
ё қарта ўйнашми керак!

Йўқ, йўқ!  
Хоҳламайман!  
Сен керакмассан,  
Биламан —  
барибир  
тезда ўламан.

Рост бўлса борлигинг,  
худо,  
худойим,  
юлдузлар гиламин сен тиккан бўлсанг,  
кундан-кун ортётган  
оғригим,  
войим,  
қийноғимни қалбга сен эккан бўлсанг,  
майли қўлларимга кишан таққин сен.  
Кутиб тур, қошингга етиб бораман.  
Бир зум кечикмайман,  
тартиблиман мен.  
Билдингми, бераҳм золим худованд!

Отларнинг думига боғлаган каби  
мени думли юлдуз думига боғлаб,  
ҳайда,

юлдузларнинг урсин тишига,  
мен оғзимни сиқиб, ундан бир нола  
чиқармай кетаман, лабимни тишлаб.

**Еки**

менинг жоним танамдан кетиб,  
ўшшайиб келганда,  
қиёмат куни  
сен Сомон йўлини  
баланд дор этиб,  
жиноятим учун оса қол уни.  
Хоҳласанг, тўртга бўл.  
Хоҳламасанг от!  
Ё ҳақ!  
Ўзим ювай, тутиб турсанг қўл.  
Фақат мен сўрайман ўтиниб:  
йўқот  
севгилим қилганинг шу лаънатини!

**Йўл танобин тортар одямим шаҳди.**  
Дўзахни яшириб, қайга қочарман!  
Қайси ғайритупроқ, самовий Гофман  
хаёлда яратди сени, лаънати?!

**2**

Само тутун босиб, рангин унутган,  
жулдур қочоқларга ўхшар булутлар,  
уларни силларнинг юз қизилидай  
сўнгги муҳаббатим рангига бўяй.

Ашёлар унутди шинам уй ҳақда,  
улар додин шодлик билан босайин.

Одамлар,  
эшитинг!

Ётманг хандақда.

Бас энди,  
урушиб оларсиз кейин.

Бахус<sup>2</sup>дай чайқалиб,  
ҳаттоки агар,  
бораётган бўлса ҳам қондан сархуш жанг —  
шунда ҳам эскирмас ишқ сўзи,  
қаранг,  
Гретхен<sup>3</sup> деб қўясиз, азиз немислар!

Кулиб туришларини оғзинг муччида  
агар эсга олса, Травиата<sup>4</sup>,  
фаранг кулиб ўлар найза учида,  
кулиб парчаланар отилган авиатор.

Аммо мен ўлмайман юмшоқ эт учун,  
асрлар кавшайди пушти этни ҳам.  
Янги оёқларга ётингиз бугун!  
Мен сени кўйлайман  
бўянган  
маллам.

Асрлар соқоли бўлганда оппоқ  
бу қилич дамидай  
мудҳиш кунлардан  
мен сен деб шаҳарма-шаҳар чопган чоғ —  
балки шу —  
сен ва мен қолармиз ўлмай.

Гар денгиз ортига сен келин тушсанг,  
сени яширса ҳам тунларнинг ини,  
мен фанор сингари ўт лаблар билан  
Лондон туманида ўпарман сени.

Арслонлар шай турган қайноқ саҳрога  
карвон тортиб кетсанг,  
топиб изингни,  
юзингга қўярман шамол, чанг аро  
Саҳройи Қабирдай ёнган юзимни.

Жилмайиб қарайсан кўз қиринг билан:  
о, қандай ажойиб тореадор-а!  
Буқанинг бўкирган кўзи-ла бирдан  
рашким билдираман ётоққа қараб.

Эҳ, сувга тушсайдим,  
деб ўйлагани  
хомуш чиқиб борасан  
кўприкка қараб.  
Сенадай оқётган менман-ку, жоним,  
чорлаяпман,  
чирик тишларим қайраб.

Стрелка ва ёки Сокольников<sup>5</sup>да  
ўзга-ла юрасан, ўйнатиб тулпор.  
Бу — менман юксалган осмон тоқида,  
яланғоч, эзилган ойман интизор.

Сўзингни исботла, десалар, ўлиб,  
кучлиман,  
урушда ўлишим мумкин,  
ўқ юлган лабимда  
сўнгни сўз бўлиб  
ёрилган  
номгинанг  
қолади лекин.

Тождами,  
Муқаддас Елена<sup>6</sup>дами,  
айтинг, ҳаётимни қайда охирлай?  
Мен бўрон одами  
шаҳаншоҳликка  
айни пайт қулликка  
номзодман бирдай.

Агар шоҳлик ато бўлса манглайимга —  
халқни тўпларман-у,

чиқариб фармон,  
сарғиш олтинига тангаларимнинг  
юзчанг шаклини ўйиб ишлаттирарман!  
Дунё тундрадай пўст ташлаётган,  
дарё шамол билан савдолашётган  
сургун зулматида қолсам дафъатан  
кишанга Лиля деб тирнаб ёзарман,  
уни ўпа-ўпа кун ўтказарман.

Осмоннинг рангини унутганлар, ҳой,  
хурпайган ҳайвонлар,  
тинглангиз ахир!  
Дунёда бу сўнги севги,  
ҳойнаҳой,  
силлар қизилидай шафақлангандир.

### 3

Унутамаман йилни, кунни, санани,  
бекиниб оламан, қўлимда қоғоз.  
Сўзлар азобидан ёришиб, қани,  
эй, самовий сеҳр, васлингга етказ.

Бугун сизникига эрталаб кирдим,  
кирдиму пайқадим —  
уйда ҳол ёмон.  
Сен шоҳи кўйлакка недир яширдинг,  
ҳавода бухўр ҳид кенгайди шу он.  
«Шодмисан?» «Жуда ҳам» —  
товшинг торини  
титратди қандайдир совуққина мавж.  
Саросима йиқди онг деворини.  
Ёниб, мушқулингга қўшдим яна авж.

Уликни  
барибир  
ғизлолмайсан, ҳай,

даҳшатли шу сўзни қаллангга ағдар!  
Барибир,  
ҳар мучанг  
мисоли карнай  
сени «ўлди!» дея солаверар жар.  
Йўқ, сен жавоб қайтар. Рост айт баринни!  
Бу аҳволда қандай қайтай изимга?  
Кўзларинг икки гўр лаҳатларини  
қавламоқда сенинг юзингда.

Гўрлар чуқурлашар.  
Унда йўқдир таг.  
Кунлар минбаридан йиқилсам керак.  
Жонимни арқондай жар узра тортдим,  
сўзларни ўйнатиб, чайқалиб кетдим.

Биламан,  
эскитди уни муҳаббат.  
Чарчоғин билдирар минглаб аломат.  
Жонимда ўзингни ёшартириб қол.  
Қалбни тан завқи-ла таништириб ол.

Биламан,  
аёлга пул тўлар ҳар ким.  
Аммо ҳечқиси йўқ, ҳозирча сенга  
Париж кўйлагини эмас, тамаки  
дудини кийгазган бўлсам эгинингга.

Қадим пайтлардаги ҳаворийдаин  
севгимни элтаман минг йўлдан омон.  
Сен тождор бўласан замондан замон,  
тожда-чи,  
сўзларим —  
титроқлар ёйи.

Юз пудли ўйинлар кўрсатган филлар  
яқунлагандай Пирр ғалабасини<sup>7</sup>,

даҳом қадамидан миянг зириллар.  
Беҳуда.  
Мен тортиб олмайман сени.

Қувон,  
қувонавер,  
қолдан тойдирдинг!  
Энди яна мени босдики ҳасрат,  
сойгача югуриб улгуриш қолди  
ва иржайган сувга ем бўлиш фақат.  
Лабларингни тутдинг.  
Уларни нетдинг?  
Сал-пал тегиндим-у, совудим-қолдим.  
Узрли лабларим билан  
қоядан  
йўнилган черковни ўпгандай бўлдим.

Кўчалар шодлигидан сугорилиб,  
у кириб келаркан,  
қарсиллади эшик.  
Дод-фарёд ичида  
кўксим ёрилиб,  
унга:  
«Хўп! Кетаман!— деб қичқирдим тик.—  
Хўп!  
Сенга қолади!  
Унга латта тик!  
Қўрқоқ қанотлари шоҳилар қўйнида  
Семирсин.  
Ҳушёр бўл.  
Ғойиб бўлмасин.  
Тош қилиб осиб қўй  
хотин бўйнига  
марварид-дурларнинг шода-шодасин!»  
  
Эҳ, бу тун мудҳиши!  
Бу тун мудҳиши!



Узим ноумидлик риштасин тортдим.  
Қаҳқаҳам, йиғимдан даҳшатга тушиб  
хона башараси қийшайиб қотди.

Сион жуҳудининг зар маликасин  
қай бир янги Бялик<sup>8</sup> ўйлаб топгандай  
кўз ўнгингда кетган сиймо шарпаси  
унинг гиламида турди ёнгандай.

Қайтариб берганим аёл олдида  
тиз чўкиб ҳам бўлдим  
минг азоб билан,  
ҳамма шаҳрин  
берган  
Альберт қирол<sup>9</sup>-да  
инъомга кўмилган,—  
бахтлироқ мендан.

Қуёшга зарланинг, гуллар ва ўтлар!  
Қани баҳорланинг жами унсурлар<sup>10</sup>!  
Менга бугун керак биргина заҳар —  
шеър ичгим, шеър ичгим, шеър ичгим келар.

Юракни ўғирлаб,  
бахтдан маҳрумлаб,  
жонимга минг қийноқ, минг саросима  
солгансан,  
қабул эт совғамни, жоним,  
балки тополмасман  
бошқа ҳеч нима.

Ҳей, бугунги кунни байрамга бўянг!  
Ҳей, парчин бўлмоққа тенг сеҳр,  
кашфлан!  
Кўряпсиз —  
сўзларнинг михлари билан  
михланганман оппоқ қоғозга қаранг.

1915

# СЕВАМАН

ДОСТОН

## ОДАТДА МАНА ШУНДОҚ

Инсоннинг бошида бордир муҳаббат,—  
аммо хизматчилик,  
мансаб,  
даромад  
ва бошқа дард билан бўлиб  
кундан-кун  
юрак заминини қоплай бошлар гард.  
Юрак — бадан кийган,  
бадан — кўйлагин...  
Бир телба:  
бу — оз! — деб  
қуя бошлади.  
Енгига қайтарма  
тиктириб тагин,  
кўксига қотирма қуя бошлади.  
Чоллар ороланиб кетмас ойнадан.  
Аёл бўянар.  
Эр Мюллер! бўйича  
шамол тегирмони каби айланар,  
аммо кечиккани билинар пича.  
Кўплаб ажин билан қопланар тери.  
Севги гуллай-гуллай,  
очиляб тинмай,  
зерикарли бўлиб қолар охири.

## БОЛАЛИГИМДА

Сал-пал лаёқатли эдим севишга.  
Одамзот  
ёшлиқдан

кўникар ишга.

Мен Рион<sup>2</sup> бўйича қочардим,  
аммо

сандирақлар эдим,  
қилмай ҳеч вақо.

«Расвосан!» деб ойим  
койнса туртиб,

«Савайман» деб дадам

қилса ҳамки дўқ,

саллотдан қалбаки «уч сўмлик» ютиб,

қарта ўйинидан бўшаганим йўқ.

Кўйлақлар юки йўқ,

бошмоқ юки йўқ,

Кутаиси иссиғи жондан ўтарди.

Кўкрагим остида тургунча оғриқ,

кунга гоҳ қорин,

гоҳ яғрин тутардим.

«Кўряпман! — деб қуёш

танг қоларди,

танг, —

вужудинг-ку митти,

қойилман

сенга:

қаердан

жой топди

муштдай юракчанг

узун қоялару

дарёю

менга?!»

## УСМИРЛИГИМДА

Усмир машгулоти — чексиз-беадад.

Биз тил ўргатамиз гўл-лақмаларга.

Аммо мен

бешинчи синфдан ҳайдалиб,  
тушганман Москва турмаларига.  
Сизларнинг  
хонаки  
дунёчангизда  
ётоқ учун ўсар  
бароқсоч лирик.  
Лайча шоирларда фикр йўқ йирик.  
Аммо мен  
севгандим  
Бутиркан<sup>3</sup>гизда.  
Булон ўрмонини соғинай нечун?!  
Нечун оҳ дей денгиз гулдуросига?!  
Мана  
менинг ишқим тушганди у кун  
«103» номерли бўлма<sup>4</sup> «кўзи»дан  
«Дафн маросими бюроси»га.  
Кунни кўриб ҳар кун  
керилар ҳар ким.  
«Шунча қадрлими бу нургиналар?»  
Аммо мен  
деворда  
тўпдай шуъла учун  
дунёда бор-йўғим берган бўлардим.

## МЕНИНГ ДОРИЛФУНУНИМ

Фарангча биласиз.  
Биламан боплаб  
кўпайтиш,  
бўлишу  
турлашингизни.  
Аммо сиз уй билан,  
айтинг, қалайсиз?  
Трамвай тилини

тушунасиэми?  
Тухумдан чиқибоқ  
инсон боласи  
китобу дафтарга  
зеҳнин қилар сарф.  
Мен варақлаб темир тунка саҳфасин,  
дўкон лавҳасидан ўрганганман ҳарф.  
Ерни  
кесиб,  
йиртиб  
ўрганар ҳар ким.  
Бутун ер увоқдай глобус,—  
кўрса.  
Аммо мен  
ёнбош-ла  
ер ўргангандим —  
ерга тунов учун қулардим гурсса!  
Иловайский<sup>5</sup> ечарди чигал саволни:  
— Чиндан Барбаросса<sup>6</sup> малласоқолми?  
Мен китоб титмасдим бунга вақт сарфлаб.  
Аммо мен билардим Москвада не гап.

Одамлар ўқишар Добролюбовни  
ёмонликни ёмон кўрмоқлик учун.  
Фамилияси қарши<sup>7</sup>.  
Аён кўраман.  
Мен доим нок учун бировни  
эмас,  
ўзимни сотганман.  
Бола чоғимдан  
семиз одамларни ёмон кўраман.

Одамлар жувонга ёқиш йўлини  
ўрганиб олганча  
мисдай манглайда

жаранглаб ўйлари.  
Ўтиришарди.  
Аммо мен билардим бино тилини,  
суҳбатдошим эди кўча уйлари.  
Сувсўрар минорлар гап беришарди.  
Мен қандай сўзники отсам қулоққа  
тинглов дарчалари  
диққат-ла тинглаб,  
илиб олар эди  
бир қанча томлар.  
Сўнг эса тун ҳақда, бир-бири ҳақда  
япалоқ тилларин айлантирганча  
чирилларди шамол парракчалари.

## КАТТА БУЛГАНИМДА

Катталарда иш кўп.  
Чўнтак тўла пул.  
Севишми?  
Марҳамат!  
Юз сўм бир жисм.  
Мен эса  
уй-жойсиз,  
тешик чўнтакда  
катта қўл  
ола кўз,  
кўча изғирдим.  
Тун.  
Башанг энгилни кийиб оласиз.  
Ўйнайсиз хотинни ё бир бевани.  
Москва  
ҳисобсиз  
Боғ кўчаларнинг  
ҳалқаси бағрида бўғарди мени.  
Ўйнаш

тиқиллатар  
юрак-соатни.  
Севги тўшагидан улфатлар завқда.  
Мен Страстной Майдонин<sup>9</sup> қучиб ётардим  
ўйлаб пойтахтнинг қалб уриши ҳақда.  
Ўзимни  
кўлмакка,  
кунга  
ланг очдим —  
деярли юрагим сирти кўринди.  
Кирсин ишқу ҳирсга муҳтож бўлса ким!  
Юракка мен ҳоким эмасман энди.  
Бошқалар юраги бу уйда ётар.  
Ҳар кимга маълум бу:  
ётоғи — кўкрак!  
Менинг эса жисмим ақлин йўқотар.  
Ҳар ёндан дудуклар  
яккаш бир юрак,  
О, йигирма йилда  
не баҳор, не ўқ  
ўртанган вужудга ағанаб қолди!  
Сарфланмаган юкдан жирканч нарса йўқ.  
Шеъргамас,  
аслан ҳам  
бу жирканч ҳолдир.

## ОҚИБАТИ НИМА БУЛДИ

Иложидан зиёд,  
Керагидан зиёд  
юрак тугунаги азаматлашди:  
азамат муҳаббат,  
азамат нафрат  
гўё шоирона тушдай илашди.  
Оёғим титрарди



нақ юким ошиб —  
биласан,  
мен аммо  
маҳкам одамман,  
шунда ҳам  
юракнинг алплигин ташиб,  
букилиб кетарди  
бир саржин гавдам.  
Шеърим сутга тўлган,  
тўкишга жой йўқ.  
тўлётганга ўхшар қайта-қайтадан.  
Мен  
Молассан айтган сиймо аждоди<sup>10</sup>  
шеър деса зориққан  
Ер отасиман.

#### ЧАҚИРАМАН

Полвондай кўтардим,  
алпдай югурдим.  
Сайловдай митингга элни чақирдим,  
қишлоққа  
ўт кетган каби  
бонг урдим.  
«Мана у!  
Олинглар!» — дея  
бақирдим.  
Шундайин  
баҳайбат  
улкан  
бир бадан  
чангу кир  
қор тепа каби  
оҳ урса —  
хотинлар

мушакдай сачрарди  
мендан:  
«Бизга тангобони,  
ихчами бўлса...»  
Юким босар,  
аммо уни  
элтаман.  
Отмайман  
бўгса ҳам мени  
нафасим.  
Биқин ёйларимда қолмади чидам.  
Зўриқиб қисирлар кўкрак қафасим.

## СЕН

Келдинг —  
ишбилармон,  
наърам,  
гавдамга  
кўз ташлаб,  
менда бир ўспирин кўрдинг.  
Келдинг-у  
юрагим олдинг  
шу замон,  
тўп ўйнаган қиздай  
бошладинг ўйин.  
Юрагимни ўйнар  
мўъжиза бордай  
гоҳ жувон,  
гоҳо қиз,—  
ўйнайди ҳар ким.  
«Севса бўлармикин?  
Ташланар шердай!  
Бунга зообоғдан  
ромловчи лозим!»

Мен эса хуррамман.  
Ундай золим йўқ.  
Шодлик юрагимга сиғмай,  
сархушдай  
тўйдаги ҳиндидай  
ирғишлайман шўх,  
шу қадар хурсандман,  
енгилман қушдай.

### ҲЕЧ ИЛОЖИ ЙУҚ

Рояль элтолмайман  
менинг бир ўзим,  
пўлат сандиқни-ку  
қўйинг тагин ҳам.  
Роялу  
сандиқни  
элта олмасам  
қайтган юрагимни  
элтолармидим.  
Банкчилар:  
«Бой одам йўқ,— дерлар,—  
биздай,  
сандиққа қўймасак,  
чўнтаклар етмас.  
Сенга севгим —  
ганжим,  
уни сандиққа  
яшириб  
Крездай<sup>11</sup>  
юрибман хушмаст.  
Агар хоҳлаб қолсам,  
бир табассумми,  
ярим табассумми

озроқми олиб,  
лирик пул сарфлайман  
ўн-ўн беш сўмлик  
бошқалар ичида  
тунгача қолиб.

## МЕН ҲАМ ШУНДОҚМАН

Кемалар ҳам оқар масканга қараб.  
Поездлар ҳам шошар вокзалга томон.  
Мен эса турган гап —  
мен севаман-ку! —  
фақат интиламан  
мен сенга қараб.  
Қавлаб завқланай, деб  
ертўла сари —  
тушаркан Пушкиннинг хасис рицари.  
Мен шундай қайтаман  
сенга, севгилим.  
Ўзим завқланаман:  
шундайдир дилим.  
Қирдан қутулганда  
тарашланиб,  
оқ  
ювиниб уйига қайтади ҳар ким.  
Мен сенинг қошинга қайтаман шундоқ,  
уйга борганим-да —  
сенга борганим!  
Ер бағрига олар ерликни бешак.  
Бизни қайта кутар сўнгги муддао.  
Ҳозир кўришиб ҳам,  
ҳозир ажрашсак,  
сенга интиламан,  
сенга доимо.

## ХУЛОСА

Севгига бас келмас

аразлар,

йўллар.

Уйланган,

кўрилган,

текширилган у.

Патсатр шеъримни тутиб бу сафар

қасамёд қиламан —

севаман

мангу.

**1922**

БУ


ПАРЧА

ХАҚДА

*Мен ҳали заминда яшаб тўймадим,  
Заминда*

*мен севиб тўймадим ҳали.*











## БУ ҲАҚДАСИ НЕ ҲАҚДА?

Бир эмас,  
беш эмас,  
минг бор куйланган  
ҳам шахсий,  
ҳам майда ушбу мавзуда  
мен шеърий олмахон бўлиб айландим,  
яна айланишгим келмоқда жуда.  
Бу мавзу  
Буддага ибодат  
ҳозир,  
занжи тигин қайрар  
боёнлар ёққа.  
Марсда  
одамюрак зот бўлганда бир  
у ҳам  
ёзар эди  
ҳозир бу ҳақда.  
Бу мавзу келар-да,  
майибни тирсакдан  
қоғоз сари туртар,  
— Езгин!— дер жуъшиб.  
Майиб  
тўлиб-тошиб  
лип этиб турар,  
ёрқин байтларидан живирлар қўшиқ.  
Бу мавзу занг қоқар  
ўчоқ тарафдан,  
ўгрилар,  
бир имо қилар-да кетар,  
бир зум адил туриб,  
қулар даъфатан,

Ёзув нақши аро ўзни дафн этар.  
Бу мавзу буйруғи  
    «Ҳақ!» дан иборат!  
Бу мавзу фармони  
    «Кўрк!»дан иборат!  
Улкан мўйқаламинг  
    еганда ҳам лат,  
бир куйни минғирлаб  
    куйлайсан албат.  
Уйласанг, алифбе аён китоб ул,  
бу мавзу залвори бошлар ўшандан —  
«А» сини эгаллаш  
    Казбекдан мушкул,  
айнитар,  
    қайтариб уйқую нондан.  
Бу мавзу келажак,  
    эскирмас зинҳор,  
фақат дер:  
    — Энди сен доим менга боқ!  
Боқасан,  
    борасан  
    бўлиб байроқдор,  
ол шоҳи оловни қиларак байроқ —  
воқеага шўнғир  
    бу айёр мавзу!  
Сакрашга чоғланар ҳислар инида.  
Унутуб кўр-чи сен!—  
    тутоққандай у  
жонингни суғуриб олар  
    қинидан.  
Бу мавзу қошимга келди ўшшайиб,  
— Сўзимни  
    финг демай қил!— деб  
    буюрди.  
Менинг кунларимга боқди қийшайиб,  
одамлар ва

ишларни ҳар ёнга сурди.  
Бу мавзу келдию  
яқин бўлиб олди бир ўзи  
янчди ўзгасин,  
якка.  
Бу мавзу пичоқдай тиралди бўғзга.  
Босқончи!  
Юракдан зарб еди чакка.  
Бу мавзу кунни тун қилиб амр этди:  
— Байтлар манглайин ур — ёрилсин зулмат!  
Бу мавзунинг оти:  
. . . . . !

## РЕДИНГ ТУРМАСИ ҲАҚИДА БАЛЛАДА<sup>1</sup>

Эслайман—тургандим.  
Шуъла бор эди.  
Ушанда  
шуъланинг  
Невайди оти.

Маяковский. «Инсон».

Баллада ва  
балладалар  
ҳақида

Баллада йўриги жуда кўхнадир,  
биноқ агар сўзлар оғриси оғир,  
оғриқдан сўзласа сўзлар барибир,  
баллада йўли ҳам янгиладир.  
Лубянск проездди<sup>2</sup>.

Водопьяний<sup>3</sup> томон.

Манзара

ана шу.

Ана шу

муҳит.

Уринда бир жувон.

Бошида йигит.

Етар жувон.

Столда телефон.

Даҳшатли янгилик кутмангиз

мендан.

«Йигит» ва «жувон»дир менинг

балладам.

Даҳшати шундаки,

«Йигит»— бу менман,

анов «жувон» эса —

мен севган одам.

Турма нетар бунда?

Исо туғилган кун.

Гавго.

Дарчаларнинг йўқ панжараси.  
Бу сизга дахлсиз.

Турма дедим-ку!

Стол.

Столда бир  
сомон зарраси.

*Симдан рақам  
юборилди*

Сал-пал теккан эдим — қаварди этим.  
Дастакни қўлимдан отдим ён томон.  
Икки барқ ўқидан —  
— фабрик тамғаси<sup>4</sup>—  
ишга туша қолди телефон.  
Қўшни уй.

Хонада

уйқули овоз:

— Қачон бу!

Қаердан келди чўчқача? —

Куюкдан қўнғироқ чийиллади боз,  
аппарат қизганди то оқаргунча.  
Жувон касал.

Етипти жувон!

Югур жадал!

Акс ҳолда

ёмон!

Этимни бурқситиб, куюкни эдим  
ва дарҳол танимга югурди чақмоқ,  
миллион вольт кучланиш қийнади-  
эзди,

телефон чўғига мен босдим дудоқ.  
Мен уйда

тешиқлар

пармалаб,

Мясницкая<sup>5</sup> узра

шудгорма-шудгор,

симу рақамларни

узиб,  
парчалаб,  
ойимқизга учдим  
ўқ бўлиб  
ночор.

Ойимқиз кўзлари боқарди мудраб—  
икков учун ишла байрам олдидан.  
Қизил чироқ ёнди қайтадан бодраб.  
У қўнғироқ қилди!

Ут сўнди бирдан.  
Ва шўхлик бошлашди  
барча чироқлар,  
телефон тармоғи узилар бир-бир.  
—67—10<sup>б</sup>ни, ўртоқлар,  
уланглар ахир! —  
Кўчага!

Водопьяний сукутига!  
Тез!

Уҳ!  
Барққа бир бало бўлсами шу он—  
ҳавога учасан  
улуғ айёмда

телефон  
станциянг  
билан  
ёнма-ён.

Мясницкая кўчасида бир чол яшарди.  
Шу ҳодиса бўлгандан сўнг юз йил  
яшади —

сўнгра фақат шу воқеа ҳақида  
— юз йил! —  
болаларга сўзлаб юрди бобо  
муттасил:

— Шанба эди...  
бозордан олдин...  
Сон гўшт...



олмоқчиман арзонроқ...  
Зилзила туртгандай...  
Даҳшатда қолдим...  
Оёгим қизирди...  
Тагчарм — қалтироқ...—  
Болалар ишонмас  
бунақа гапга.  
Зилзила?  
Қишда-я?  
Почтамт<sup>7</sup> тарафда?

*Телефон ҳам-  
мага ташланар*

Нозик сим ичидан  
амаллаб кириб,  
дастак оғзидаги гардишни кериб,  
занг чалиб жимликни қилганча  
вайрон  
дириллоқ оқимин ёйди телефон.  
Бу жирингли нарса  
жарангга тўлиб  
йиқитмоқчи бўлиб  
отди деворни.  
Занг қайтди  
девордан  
минг зангча бўлиб,  
жиҳозлар тагига думалаб борди.  
Жаранг шапатилар шип билан  
полни.  
Сўнг яна  
у улкан коптокдай янгроқ  
полга урилдию бир сакраб олди,  
сўнг пастга тўкилди бўлиб занг-увоқ.  
Дераза ойнаси,  
мўри қопқоғи  
занг билан жўровоз  
титроққа чўмди.  
Телефон занглари

уй-шиқилдоқни  
қўлчасида силкиб,  
тошқинга кўмди.

*Секундант аёл*

Сал билинар —  
уйқудан  
кўзлар нуқтаси  
эзаётир иссиқ икки ёноқни.  
Ошпаз аёл эриниб турди, чамаси,  
инқиллаб,  
«хихтуф»лаб  
босар оёқни.  
У ўхшар тузланган олмага жуда,  
фикрлар босганди манглайга ажин.  
— Владим Владимич?!

Қимни дейсиз?

Ҳа!—

Туфли тикирлатиб кетди мегажин.  
Секундантдай кетар...  
Қадамини кўр...  
Одим узоқлашар...  
Сас келар базўр...  
Сурилди бор бошқа дунё қайгадир,  
менга дастак билан ўқталар надир.

*Дунёнинг ой-  
динлашуви*

Қотди барча мажлисларнинг  
докладчилари  
ҳимматли гапларин тамомлай олмай.  
Қадимгидай,  
оғиз очиб,  
бу ерда бари  
Ҳайитлар ҳайит<sup>2</sup>ин кўришар толмай.  
Улар билар  
ҳаёт икир-чикирин.  
Уйлари —  
расмана балчиқдир яхлит.  
Менга қарашаркан,

Ўзларин кўриб,  
севги отишмасин кутардилар хит.  
Сирена ноласи айланди тошга.  
Гилдирак, одимлар говури тинди.  
Дуэль майдонию

вақт-ҳаким —

бошда,

ажални боғлашга

шай

қўлда бинти.

Москва ортида

жим бўлди ёвон.

Денгизлар ортида —

хушқомат тоғлар.

Гўёки дурбинда

турарди кайҳон,

баҳайбат дурбинда

(нариги ёқдан)

уфқ адл-адл

қаддин ростлади.

Тасма.

Таранг каноп тортилган эди.

Бир учида —

менман менинг хонамда,

бир учида —

сенсан сенинг хонангда.

Уртада —

тушда ҳам

учрамайдиган,

оқ либосда мағрур билониҳоя,

жажжигина бўлиб фил суягидай

оламда ётарди

Мясницкая.

Тиниқлик.

Тиниқлик келтирган қийноқ.

Мясницкаяда

моҳирона йўнилган

деталдай

нозиккина кабель —

ипнинг ўзи нақ!

Бари

шунга боғлиқ, тақдир-азалдай.

Дуэль

Биринчидан!

Дастак ўқталишди.

О!

Умидни узавер.

Ундан ташқари,

ўтинчга чулғанган кўзларим аро  
у қўрқмай заррача,

шарпа ташлади!

— Дантес<sup>9</sup>дай турибсиз.

Ниятингиз не?—

бақиргинг келади

сусткаш жувонга,—

кабелни пармалаб,

заҳарингизни

тезроқ ота қолинг,

шимирай қонга.—

Ошпаз хотин эснаб ногаҳон

айтган

илон қорнидаги товушқондай сўз

кўряпман,

кабелдан

сирғалар

бу ён

мудҳишликда ўқу

совуқликда муз.

Сўздан ҳам мудҳиши —

сирғалар симдан

ибтидодий пайтнинг кунчи махлуқи.

(Одам

ўз модасин  
у пайтда  
зимдан  
топиб келар эди  
зўрлик-ла  
юлқиб).  
Балки бундай бўлган...  
мумкин-ку ахир!  
Телефонга тегмас, тегмаган ҳеч ким,  
ҳеч қандай махлуқий башара йўқдир.  
Телефонда ўзим.  
Темирда аксим.  
ВЦИК фармойишин унга қилгин жол!  
Эрфуртники<sup>10</sup> билан солиштир,  
бориб!  
Миядан зўр чиқиб  
илк алам аро  
ғажинар бир ҳайвон  
ғазабдан ҳориб.

*Одамнинг ҳо-  
ли нима бў-  
лиши мумкин?*

Ўртоқлар!  
Узингиз  
бир ўйлаб кўринг!  
Шу йил ёз Парижга боражак шоир,  
муҳтарам ходими  
«Известия»нинг  
йиртиқ ботинкада ўтирар фақир.  
Мен —  
кечаги одам —  
бир силтов билан  
тишлашгач,  
ясандим нақ айиқсимон!  
Соч пахмоқ.  
Кўйлагим жуни осилган.  
Уша гап?!  
Сим қоқиб бошлайми сурон?!

Борай ўз жойимга!  
Муз денгиз томон!

Айиқланмоқ

Қаттиқ аччиқланган айиқдай  
олга

қад ростлаб  
бораман  
телефон-ёвга.

Юракка-чи,  
ботар найза беомон!  
Оқаётир.

Қизил асал оқими.  
Укириш ҳамда қон.  
Яла, э зулмаг!

Билмадим,  
айиқлар  
йиғларми-йўқми,  
йиғласа йиғлайди  
шу тахлит фақат.

Айнан шу тахлитда:  
рахм ёлғонисиз  
узун дара бўйи  
ўкраб шашқатор.

Айиқтаъб Бальшин<sup>11</sup> ҳам  
шундай маънисиз  
девор оша вайсар  
ўкроқдан бедор.

Шундай қила олар айиқлар айнан:  
йиғирма тирноқда тирнаб инини,  
қўзғолмай,

тумшуғин кўтариб баланд,  
ўкраб,  
ўкраб чарчар,  
сўнг ётар тиниб.

Барг узилди.  
Кўчки.

Оқаётган  
хона

Безовга қилар.  
Пақилламас әди  
сўта-милтиқлар.  
Уни айиқ эта оларди ёлғиз  
кўзёшу жун ора чочоқлашган кўз.  
Каравот.  
Темиртак.  
Увада кўрпа.  
Етар темиртакда  
нарсалар тинч.  
Суст.  
Темирга урилди  
титроқ бир шарпа.  
Чойшаб  
шалоп-шалоп қилди  
устма-уст.  
Оёқни ялади муздаккина сув.  
Қаёқдан келди сув?  
Мунчалар кўп у?  
Мен йиғлаб хун бўлдим.  
Йиғлоқ.  
Рутубат.  
Елғон —  
наҳот шунча йиғлар  
шу сумбат.  
Жин ургур ванна-е!  
Диван орти сув.  
Сув кирган жавонга,  
стол тагига.  
Чамадон дивандан —  
сув туртиптию —  
сузипти дераза этагига!  
Шўмина...  
Чекинди...  
Узим ташладим.

Борай ўчиргани.

Авж олар.

Ваҳм.

Қаёққа?

Қанақа шўмина-ўчоқ?

Олисда.

Олисда ёнмоқда қирғоқ.

Барин ювиб кетди,

карам ҳидин ҳатто.

(Шундай ҳид келарди

ўчоқдан

чучмал.)

Олисларда бўм-бўш қирғоқлар.

Дарё.

Ладогани қувлаб увиллар шамол!

Дарё.

Катта дарё.

Теварак совуқ.

Дарё живирлар.

Мен —

ўрталиғида.

Муз устига чиқдим

гўё оқ айиқ.

Оқяпман ўзимнинг муз-ёстигимда.

Томоша кўрсатиб чопар қирғоқлар.

Мени олиб кетди ёстигим музи.

Ладогада шамол.

Мўл сув ўйноқлар.

Ёстиқ-сол сирғалар учибми, сузиб.

Оқяпман.

Истмалаб ёстиқ-музимда.

Рутубат туйғуси ҳали кўзимда;

Қаравот оёғи орасига

ё

кўприк тагигами оқмоғим

раво.





Ана у — кўприкда ҳамон  
панжарага қўйиб турипти  
тирсак...

Кечирасан, Нева!  
Кечирмас,  
ҳайдар.

Раҳм қил!  
Раҳм қилмас қочқоқ сира ҳам.

У!

Уша

яллиғланган осмон фонида  
турипти мен бураб боғлаган одам.  
Турар.

Усиб кетган сочларин ёзди.  
Қулоққа кафт тутдим.  
Имо ҳам — абас!

Эшитдим,

эшитдим,

ўз овозимни.

Кафтларимни тешди пичоқ каби сас.

Менинг ўз овозим —

сўрар,

ялинчоқ:

— Владимир!

Кетма!

Елғиз қолдириб!

Нечун йўл қўймадинг чўкишга

у чоғ?

Юракни ёришга устунларга уриб?

ЕТТИ йил турибман.

Сувларга боқиб.

Манзуманг панжарага боғлаган

қаддим.

Мени кутди сувлар

етти йил оқиб.

Қачон келар ахир

қай кун  
муҳлатим?  
Е у тоифага  
сен ҳам  
суйкалдингми?  
Упдингми?  
Едингми?  
Қорин қўйдингми?  
Манишатларига  
ошно бўлдингми?  
Ушалар оила бахтин суйдингми?  
Қўрқма!—  
Қўли пастга эгиляпти, дея.  
Уйлама отилар, деб,  
кўприкдан  
пастга.  
— Қочишни уйлама!  
Чақирдим боя.  
Топиб,  
қоқиб,  
ҳолдан тойдиргум  
қасддан!  
Шовқин эшитяпман.  
Шаҳарда байрам,  
Улар ҳозир бўлсин.  
Шуни яхши бил!  
Ижроқўм қарорин олиб бор сен ҳам,  
менинг азобимни мусодара қил.  
То халоскор-севги  
келмагунича  
ана шу  
Невский бўйлаб  
қошимга,  
тентира,  
сени ҳам севмаслар жинча.

Қутқаринг!

Сузиб қол!

Еки чўк уйлар тошига!—

Тўхта, э ёстигим!

Зоедир жами,

Қафтим-ла эшаман —

ёмон эшкак бу.

Кўприк тораймоқда.

Нева оқими

мени оқизмоқда,

оқизмоқда сув.

Энди мен

кўприкда турган шарпамдан

анча олисдаман.

Бир кун ўтказдим.

Овозим гурроси қувар орқамдан.

Дўқлар қувғинида елканни ёздим.

— Унутмоқ бўлдингми Нева

мавжини?!

Урнимни олмоқчи эдинг-а?!

Қочқоқ!

Ўлгунча ёдда тут шалолашини,

«Инсон»да шалолаган у одам

биноқ —

қичқира бошлади.

Қани, ким қодир?!

Кучингиз етмайди —

бўкирар бўрон.

Қутқаринг! Қутқаринг! Қутқаринг

ахир!

Нева

кўпригида,

Невада

инсон!

## ИЗОҲЛАР

### Шеърлар

- 17- бет <sup>1</sup> Кручених дўзахин бир боби.. — А. Кручених ва В. Хлебниковнинг «Дўзахдаги ўйин» достони назарда тутилган.
- 28- бет <sup>2</sup> Тео — Театральный отдел (Театр бўлими) сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган. РСФСР маориф халқ комиссарлиги қошидаги бош сиёсий оқартув бошқармасининг театрлар бўлимини шундай деб юргизар эдилар.
- 28- бет <sup>3</sup> Гукон — Главное Управление коннозаводства (Бош отчилик бошқармаси) сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган сўз.
- 31- бет <sup>4</sup> «Пролетар, урушнинг уруғини қурит!» деган шеърнинг сўнгги боби.
- 34- бет <sup>5</sup> Блек энд уайт — оқ ва қора.
- 34- бет <sup>6</sup> Ведадо — шаҳар чеккасидаги бойлар кварталли.
- 35- бет <sup>7</sup> Прадо — Гавананинг катта кўчаси.
- 36- бет <sup>8</sup> Ай бэг ёр пардон — афв этишингизни сўрайман (инг.)
- 46- бет <sup>9</sup> Вийқовоқ — Н. В. Гоголь «Вий» деган қиссасида ёзишчи, ажиналар бошлиғи Вийнинг қовоғи шишганидан ергача осилиб тураркан.

### *Владимир Маяковский*

#### Фожиа

- 71- бет <sup>1</sup> Кийимлар ва модалар (французча).
- 73- бет <sup>2</sup> Тога — қадимги римликлар кийган ярим доира шаклидаги ёпинчиқ.

## Достонлар

### Иштон кийган булут

#### (Тетраптих)

- 89- бет <sup>1</sup> Париждаги Биби Марьям калисосида улкан хаюлалар...— калисо биносининг ички деворларига ўйиб ишланган афсонавий ҳайвонларнинг шакллари назарда тутилган.
- 91- бет <sup>2</sup> Жоконда — Леонардо да Винчи ишлаган аёл портрети назарда тутилган. 1911 йили портретни Луврдан ўғирлаб кетишган эди; 1913 йилда музейга қайтарилган.
- 91- бет <sup>3</sup> Помпея — эрадан аввалги I асрда Везувий вулқонидан лава отилиб чиққанда унинг этагидаги Помпея шаҳрини қум-тош қўмиб қолган эди.
- 93- бет <sup>4</sup> «Лузитания» — пассажир кемаси. 1915 йили 7 майда герман сувости қайиғи торпедасидан ёниб кетган.
- 95- бет <sup>5</sup> Крупплар, Крупизодалар — машҳур немис монополистлари, улар асос солган ва уларнинг номидаги концернлар тўн-замбараклар ишлаб чиқарарди.
- 97- бет <sup>6</sup> Голгофа — Қуддус яқинидаги кичикроқ тоғ; Инжил ривоятига кўра, Исо ҳам шу ерда қўл-оёқлари хочга тортиб парчинланган экан. Кейин Голгофа сўзи азоблайдиган жой, изтироблар макони маъносида ишлатилиб кетди. В. Маяковский 1913-14- йилларда Москва, Ленинград, Одесса, Киев шаҳарларида кезиб шеърлар ўқиганда, буржуа матбуоти уни сўкиб, масхара қилиб чиққан эди. Шоир бу ерда ана шуни назарда тутган.
- 99- бет <sup>7</sup> Дредноут — зирҳли энг катта ҳарбий кема.

- 99- бет <sup>8</sup> Спазма — мушакларнинг қисилиб, тиришиб, тортишиб қолиши.
- 99- бет <sup>9</sup> Люк — кема бортида тўп оғзини чиқариш учун қолдирилган тешик.
- 99- бет <sup>10</sup> Бурлюк — В. Маяковскийнинг замондоши, рус шоири Давид Бурлюкнинг бир кўзи кўр эди. Шунга ишора қилиняпти.
- 99- бет <sup>11</sup> «Ван-Гутен какаосидан ичинглар!»— Бир одамни ўлимга маҳкум қилишганда у қатл олдидан «Ван-Гутен какаосидан ичинглар!» деб қичқиришга розилик беради. Шундай ташвиқот сўзлари учун Ван-Гутен фирмаси қатл қилинувчининг оиласига катта мукофот ваъда қилади. Маяковский ўша пайтда газеталарда ёзилган ана шу фактни назарда тутган.
- 100- бет <sup>12</sup> Северянин — В. Маяковскийнинг замондоши, рус шоири Игорь Северянин назарда тутилган.
- 100- бет <sup>13</sup> Кастет — тўрт бармоқни ўтказиб ушлаш учун тўртта тешиги бўлган ясси металл асбоб, муштлашиш қуроли.
- 100- бет <sup>14</sup> Сутенёр — фоҳиша ҳисобига яшовчи ўйнаш.
- 102- бет <sup>15</sup> Галифе — 1871 йилда Париж коммунарларини жазолаган генерал.
- 103- бет <sup>16</sup> Мамай сингари кетини қўйганча...— Бу ерда мағлублар жасади устига ташланган тахталарда ўтириб базм қурган ғолиблар ҳақида гап бораётир. Аслида Олтин Урданинг хони Мамай эмас, 1223 йилда Қалкадаги жангдан кейин Чингизхоннинг саркардалари шундай базм қурган.
- 103- бет <sup>17</sup> Азеф — эсерлар подпольесида ишлаган ифвогар, унинг номи сотқинлик синоними бўлиб кетган.

- 103- бет <sup>18</sup> Варавва — Инжилдаги ривоятга қараганда, Исо билан бир кунда маҳкум этилган қароқчи. Оломон судлардан Исонинг қатли учун ҳам Варавванинг афв этилишини талаб қилган.
- 104- бет <sup>19</sup> Ҳаворий — ривоятга кўра, Исо Алайҳиссаломнинг ўн икки шогирди бўлган. Уларнинг бирини «ҳаворий», ҳаммасини «ҳаворийон» деб юритилади.
- 106- бет <sup>20</sup> Пресня — Москвадаги Маяковский яшаган кўчанинг номи.
- 107- бет <sup>21</sup> Тиана — Игорь Северянин ёзган шундай сарлавҳали шеърнинг қаҳрамони.
- 108- бет <sup>22</sup> Иродиада — Инжил ривоятига кўра, Иоанн Креститель исмли ваъзгўйнинг кесилган боши солинган лаган атрофида Иродиада эмас, Иродиаданинг қизи Саломея рақсга тушган.
- 109- бет <sup>23</sup> Севр вазаси — Франциянинг Севр шаҳридаги машҳур чинни заводи вазалари.

### *Умуртқамнинг сивизғаси*

- 112- бет <sup>1</sup> Гофман Эрнст Теодор Амадей — XIX асрда яшаган немис ёзувчиси ва бастакори. У ўз асарларида чинакам ҳаётга алоқаси бўлмаган фантастик дунёларни тасвирлаган.
- 116- бет <sup>2</sup> Бахус — қадимги юнонларда шаробчилик худоси.
- 116- бет <sup>3</sup> Гретхен — Гётенинг «Фауст»даги Маргарита деган қаҳрамон қизнинг кичрайтириб айтилган номи.
- 116- бет <sup>4</sup> А. Дюма (ўғил)нинг «Камелияли хоним» қиссаси асосида Верди ёзган «Травиата» номли операнинг қаҳрамони.
- 117- бет <sup>5</sup> Стрелка, Сокольникови — ўша пайтдаги Петроград ва Москва яқинидаги сайилгоҳлар.



- 117- бет <sup>6</sup> Муқаддас Елена — оролнинг номи, Наполеон ўша ерга сургун қилинган ва ўша ерда ўлган.
- 120- бет <sup>7</sup> Пирр ғалабаси — (Румоликлар билан урушган Эпир шоҳи Пиррнинг номи билан боғлиқ)— Катта йўқотишлар эвазига қўлга киритилган ғалаба назарда тутилади.
- 121- бет <sup>8</sup> Бялик Х. Н.— эски яҳудий тилида ёзган шоир.
- 121- бет <sup>9</sup> Альберт қирол — Бельгия қироли, немислар 1914 йилда Францияга ҳужум қила туриб, бутун Бельгияни эгаллаб олган эдилар.
- 121- бет <sup>10</sup> Жами унсурлар — қадимги моддийчилик фалсафасида табиатнинг асосий унсурлари: олов, ҳаво, сув, ер ҳисобланган.

### *Севаман*

- 123- бет <sup>1</sup> Мюллер — гимнастика бўйича оммавий бир дарслик китобининг муаллифи.
- 124- бет <sup>2</sup> Рион — Риони, Грузиядаги дарё, Кутанси шаҳри шу дарё бўйида жойлашган.
- 125- бет <sup>3</sup> Бутирка — Москвадаги Бутирки турмаси, 1909-1910 йилларда яширин ишчилар ҳаракатида иштирок этгани учун Маяковский у ерга қамалган эди.
- 125- бет <sup>4</sup> Маяковский «103» номерли бир кишинлик камерага қамалган эди, унинг коптокдек келадиган дарчасидан «Дафи маросими бюроси» кўриниб турарди.
- 126- бет <sup>5</sup> Иловайский Д. И. (1832—1920) реакцион руҳда ёзилган тарих дарсликларининг муаллифи.
- 126- бет <sup>6</sup> Фридрих I Барбаросса (1123—1190) «Герман миллатли Рим империяси»нинг импера-

тори. Барбаросса дегани италянча малла-соқол дегани.

- 126-бет <sup>7</sup> Маяковский Добролюбовнинг фамилияси «ёмонликни ёмон кўрмоқ»дан эмас, «яхшиликни яхши кўрмоқ»дан олинган демоқчи.
- 127-бет <sup>8</sup> Москванинг Садовая номли бир-бирига туташ кўчалари назарда тутилган.
- 128-бет <sup>9</sup> Страстной Майдони — Ҳозирги Пушкин майдони.
- 129-бет <sup>10</sup> Мопассан айтган сиймо аждоди — Мопассаннинг «Идиллия» («Сокин ҳаёт») ҳикояси назарда тутилган.
- 131-бет <sup>11</sup> Крез — қадимги юнон ривоятига кўра, Лидия подшоҳи, беҳисоб бойликларга эга бўлган.

### *Бу ҳақда*

- 142-бет <sup>1</sup> Рединг турмаси ҳақида баллада — инглиз ёзувчиси Оскар Уайльд (1856—1900) нинг турмада ёзган асари.
- 142-бет <sup>2</sup> Лубянск проезди — Москвада Маяковский яшаган кўча.
- 142-бет <sup>3</sup> Водопьяный — Л. Ю. Брикнинг квартираси жойлашган кўча.
- 143-бет <sup>4</sup> Уша пайт телефонларининг фабрик тамгаси иккита кесишувчи электр ёйидан иборат эди.
- 143-бет <sup>5</sup> Мясницкая — Лубянск билан Водопьяныйни бир-бирига туташтирувчи кўча.
- 144-бет <sup>6</sup> 67—10 — Лиля Брикнинг ўша пайтдаги телефон номери.
- 145-бет <sup>7</sup> Почтамт — Москвадаги Мясницкая кўчасида жойлашган марказий почтахона.

- 146-бет <sup>8</sup> Бу ерда ва бошқа жойларда христианларнинг Рождество, яъни Исо туғилган кунни байрам қилишлари назарда тутилган.
- 148-бет <sup>9</sup> Дантес — Пушкиннинг қотили.
- 149-бет <sup>10</sup> Эрфуртники...—1891 йил октябрь ойида Эрфуртда герман социал-демократиясининг программаси қабул қилинган ва унда пролетариат диктатураси шиори йўқлиги учун Энгельс ва Ленин томонидан танқид қилинган эди.
- 150-бет <sup>11</sup> Бальшин — квартирада Маяковскийнинг қўшниси.

## МУНДАРИЖА

- 5 Шеърим ёриб ўтар йиллар тогини. *О. Шарафиддинов*

### Шеърлар

- 13 Ғижжак ва сал-пал асабийлик. *Миразиз Аъзам* таржимаси.
- 15 Мана шундай қилиб итга айландим. *Миразиз Аъзам* таржимаси.
- 17 Лиляжон. *Миразиз Аъзам* таржимаси.
- 19 Муаллиф бу сатрларни суйган одамига, яъни ўз-ўзига бағишлайди. *Миразиз Аъзам* таржимаси.
- 22 Жавобгарликка! *Миразиз Аъзам* таржимаси.
- 24 Отларга яхши муомала. *Миразиз Аъзам* таржимаси.
- 26 Ишчи шоир. *Жуманиёз Жабборов* таржимаси.
- 28 Мажлисбозлар. *Мақсуд Шайхзода* таржимаси.
- 34 Блэк энд уайт (Оқ ва қора). *Асқад Мухтор* таржимаси.
- 38 Пролетар шоирларига мактуб. *Жуманиёз Жабборов* таржимаси.
- 41 Лаганбардор. *Асқад Мухтор* таржимаси.
- 44 Татьяна Яковлевага хат. *Миразиз Аъзам* таржимаси.
- 48 Арбоб. *Асқад Мухтор* таржимаси.
- 51 Ғийбатчи. *Асқад Мухтор* таржимаси.
- 55 Уртоқ Ленин билан суҳбат. *Ҳамид Фулом* таржимаси.

## **Фожна**

58 Владимир Маяковский. *Миразиз Аъзам* таржимаси.

## **Достонлар**

82 Иштон кийган булут. *Миразиз Аъзам* таржимаси.

111 Умуртқамнинг сивизгаси. *Миразиз Аъзам* таржимаси.

122 Севаман. *Миразиз Аъзам* таржимаси.

134 Бу ҳақда (Парча). *Миразиз Аъзам* таржимаси.

157 Изоҳлар.

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1982. (Тарж.)

*На узбекском языке*

Владимир Владимирович Маяковский

БЕЛОЕ И ЧЕРНОЕ

(БЛЭК ЭНД УАЙТ)

Стихи

Трагедия

Поэмы

Перевод с издания Гослитиздат, Москва, 1955--1958 г. г.

Редактор *Шавкат Раҳмон*

Рассом *К. Воробьев*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *Д. Зоҳидова*

ИБ № 1604

Босмахонага берилди 06. 08. 81. Босишга рухсат этилди  
17. 02. 82. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 3  
Адабий гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 6,14.  
Нашр. л. 6,74. Тиражи 10000. Заказ № 12. Баҳоси 90 т.  
Мелованный қоғозда 1 с. 50 т.  
Ғафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия  
ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси, Янгийўл ш.,  
Самарқанд кўчаси, 44.

Оқ ва қора: Шеърлар. Фожиа. Достонлар / (Редкол: С. О. Азимов ва бошқ.).— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. — 168 б. — (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари шеърляти.)

Мазкур китобга машҳур совет шоири Владимир Маяковскийнинг лирик шеърлари, «Владимир Маяковский» фожиаси, «Иштон кийган булут», «Умуртқамнинг сивизгаси», «Севаман» достонлари тўла киритилди. «Бу ҳақда» достонидан парча берилди.

Маяковский В. В. Белое и черное. (Блэк энд уайт).